

**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА
ИННОВАЦИЯЛАР
4-МАХСУС СОН**

**ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И
ПСИХОЛОГИИ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК-4**

**INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND
PSYCHOLOGY
SPECIAL ISSUE-4**



**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ
INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY**
№SI-4 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-SI-4>

**Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:**

Аскарлов Абдор Давлатмурзаевич
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Педагогика йўналиши

**Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:**

Мухамедова Дилбар Гафурджановна
психология фанлари доктори, профессор

Психология йўналиши

**Педагогика ва психологияда инновациялар журнал тахририй маслаҳат кенгаши
Editorial Board of the Journal of Innovations in pedagogy and psychology
Международный редакционный совет журнала Инновации в педагогике и психологии**

Джумаев Маманазар Иргашевич
профессор, педагогика фанлари номзоди

Уразова Марина Батировна
педагогика фанлари доктори

Муслимов Нарзулла Алиханович
педагогика фанлари доктори, профессор

Джораев Мухамматрасул
педагогика фанлари доктори, профессор

Нурманов Абдиназар Ташбаевич
педагогика фанлари доктори

Халиков Аъзам Абдусаломович
педагогика фанлари доктори

Аюпова Мукаррам
педагогика фанлари номзоди, профессор

Ҳамидов Жалил Абдурасулович
педагогика фанлари доктори

Тўрақулов Олим Холбўтаевич
педагогика фанлари доктори

Шорена Дзамукашвили
педагогика фанлари доктори

Шорена Вахтангишвили
педагогика фанлари доктори

Саипова Малоҳат Латиповна
психология фанлари бўйича фалсафа доктори

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

1. Азимова З.Э., Комилова Ф.М. ТАШКИЛОТЧИЛИК СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИНИНГ УЗВИЙЛИГИ.....	5
2. Хайров Расим Золимхон ўғли, Куйчиева Замира Унаровна ЭСТЕТИК ТУРКУМДАГИ ФАНЛАРДА “УСТОЗ-ШОГИРД” АНЪАНАЛАРИ.....	10
3. Джалалова Сайёра Мирхайдаровна ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР БОШҚАРУВ КАРЬЕРАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	17
4. Ашурова Нодира Рафиқовна МАТН АСОСИДА ЎҚИТИШНИНГ (СВИ) ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЎҚУВ ЖАРАЁНИДАГИ ЎРНИ.....	21
5. Халилова Раъно Абдуллаевна МЕТОДИКА СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ РЕЧЕВЫХ УМЕНИЙ СТУДЕНТОВ НЕЯЗЫКОВЫХ ФАКУЛЬТЕТОВ НА ОСНОВЕ КРЕАТИВНОГО ПОДХОДА К РУССКОМУ ЯЗЫКУ.....	26
6. Сарибоев Шухрат Турдибекович, Хабибова Комила Базарбаевна НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ СОВРЕМЕННОЙ МЕТОДИКИ ПРЕПОДАВАНИЯ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА В ВУЗАХ.....	31
7. Солиева Мухаббат Уразбаевна ЭФФЕКТИВНОСТЬ МЕТОДА КЕЙСА ПРИ ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ.....	36
8. Лутфиллаев Махмуд Хасанович, Шодмонкулов Миролим Туранович ТЕХНИКА ЙЎНАЛИШИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАНИНИ КОМПЬЮТЕР ИМИТАЦИОН МОДЕЛЛАР АСОСИДА ЎҚИТИШНИНГ ҲОЛАТИ ВА ТАҲЛИЛИ.....	42
9. Хусаинова Лейла Юнусовна РАЗРАБОТКА НОВЫХ МЕТОДИЧЕСКИХ ПРИНЦИПОВ ДЛЯ ПОДГОТОВКИ СПЕЦИАЛИСТОВ.....	50
10. Исроилова Дилдора Мухторовна КАСБГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ФАНЛАРАРО БОҒЛИҚЛИКНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАРИ.....	57
11. Мухаббат МахмудалиевнаТурсункулова, Ноила Саматкуловна Асабоева КАСБ-ХУНАР МАКТАБЛАРИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ.....	64
12. Karimova Charos, Avazov Zahridin, Abdiyev Bekzod MOBIL TECHNOLOGIYALARIGA ASOSLANGAN ELEKTRON TA'LIM RESURSLARINING AFZALLIKLARI.....	68
13. Ходиев Рустамжон Хамдамович МУСТАҚИЛ ТАЙЁРГАРЛИК МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ КУРСАНТЛАР БИЛИМИНИ МУСТАҲҚАМЛАШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	74

14. Ходиев Рустамжон Хамдамович ҲАРБӢЙ ОЛӢЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ПЕДАГОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИ ОЛИБ БОРИШНИ ЎЗИГА ХОСЛИГИ: (Тажриба синов ишлари).....	80
15. Sulaymonova Rano Dosbekovna TECHNOLOGY OF TEACHING IN COOPERATION IN THE CONTEXT OF STRATEGIC COMPETENCE FORMATION.....	85
16. Насирова Дилфуза Сайдуллаевна ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ГОТОВНОСТИ БАКАЛАВРОВ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ К СОПРОВОЖДЕНИЮ СОЦИАЛЬНО ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО САМООПРЕДЕЛЕНИЯ.....	92
17. Xidirova Malokhat Kazakovna PSYCHOLOGICAL AND PEDAGOGICAL SUPPORT OF THE CHILD IN PRESCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS.....	99
18. Нодирбек Қамбаров НЕМИС ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ПСИХОЛИНГВИСТИК БИЛИМ БЕРИШ ВАЗИФАЛАРИ ВА ЎРГАНИЛИШИ.....	106
19. Орзикулов Хусниддин Тўлқин ўғли БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРДА КАСБӢЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАҚЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	110
20. Gaisina R.Sh. APPLICATION OF INTERACTIVE TECHNOLOGY CASE-STUDY IN THE DEVELOPMENT OF PRACTICAL LESSONS ON THE SUBJECT "HISTORY OF SUIT AND CUT" FOR STUDENTS IN THE DIRECTION OF "FASHION DESIGN".....	116

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Азимова З.Э.

п.ф.д. доцент


Комилова Ф.М.

катта ўқитувчи

Андижон давлат университети

ТАШКИЛОТЧИЛИК СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИНИНГ УЗВИЙЛИГИ

For citation: Z.E. Azimova., F.M. Kamilova. Issues of membership and continuity in the formation of the organizational qualities of students. Journal of innovations in pedagogy and psychology, 2020, Special Issue 4, pp. 5-9

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-SI-4-1>

Аннотация: Ушбу мақола кичик ёшидаги болаларда ташкилотчилик сифатларини шакллантиришда ўзаро узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш нафақат педагогик-психологик, балки ижтимоий муаммо сифатида ўзига хос долзарблик касб этиши баён этилган. Бугунги кунда болаларда ташкилотчилик сифатларини шакллантиришни мактабгача таълим босқичидан бошлаб ривожлантириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, дунёқарашларини кенгайтириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш қандай даражада аҳамият касб этаётган бўлса, уларда ташкилотчилик сифатларини шакллантириш ҳам шу қадар муҳим вазифа ҳисобланади.

Калит сўзлар: ташкилотчилик сифатлари, мактабгача таълим ташкилоти етакчилиги, лидерлик, узлуксиз таълим, интеллектуал, ижодийлик

Азимова З.Е.

д.п.н., доцент

Камилова Ф.М.

старший преподаватель

Андижанский государственный университет

УЧАСТИЕ ДОШКОЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ И ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛ В ФОРМИРОВАНИИ ОРГАНИЗАЦИОННЫХ КАЧЕСТВ

АННОТАЦИЯ

В статье констатируется, что вопросы преемственности и преемственности в формировании организационных качеств у студентов, особенно у них, формирование и развитие организационных качеств, актуальны не только как психолого-педагогическая, но и как социальная проблема. Сегодня формирование у них организационных качеств так же важно, как развитие организационных качеств

от дошкольного образования, развитие их творческих способностей, расширение мировоззрения, воспитание в духе национальных и общечеловеческих ценностей. Таким образом, формирование у студентов с самого начала обучения организационных качеств, способность мыслить самостоятельно и быстро общаться - один из факторов, который обеспечит их дальнейшее развитие как активных членов демократического общества.

Ключевая слова: Организационные качества, лидерские качества, лидерство, дошкольное образование, непрерывное образование, интеллектуальный и духовный потенциал.

Azimova Z.E.
p.f.d.docent
Kamilova F.M.
senior teacher
Andijan state university

ISSUES OF MEMBERSHIP AND CONTINUITY IN THE FORMATION OF THE ORGANIZATIONAL QUALITIES OF STUDENTS

ABSTRACT

The article states that the issues of continuity and continuity in the formation of organizational qualities among students, especially among them, the formation and development of organizational qualities, are relevant not only as a psychological and pedagogical, but also as a social problem. Today, the formation of their organizational qualities is just as important as the development of organizational qualities from preschool education, the development of their creative abilities, the expansion of their worldview, and education in the spirit of national and universal values. Thus, the formation of organizational qualities in students from the very beginning of training, the ability to think independently and communicate quickly is one of the factors that will ensure their further development as active members of a democratic society.

Key words: Organizational qualities, leadership qualities, leadership, preschool education, continuing education, intellectual and spiritual potential.

КИРИШ

Бугунги кунда жаҳонда таълимни ривожлантириш йўлида олиб борилаётган барча ишлар келажакка қўйилган инвестиция деб баҳоланмоқда. Жамиятда ижтимоий стратегияларнинг самарадорлигини ошириш механизмларини жорий этиш барча инсонлар учун билим олиш, касб ўрганиш, мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўшиш орқали қулай шароитда яшаш имкониятларини яратади.

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти - таълим-тарбия тизимини ўзгартириш, уни ҳозирги замон талаблари даражасига кўтариш, шу жамиятда яшаётган фуқароларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти оширишдан иборат. Шу мақсадни амалга оширишда Ўзбекистон Ресубликаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Ресубликасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш ва бошқа вазифалар таълим тизими соҳасидаги устувор йўналишлар белгиланди [1].

2017 йилнинг 16 август куни Ўзбекистон Ресубликаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида бўлиб ўтган йиғилишда мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислох қилиш ҳамда мазкур муассасаларга болаларни тўла қамраб олиш бўйича муҳим вазифалар қўйилди. Бу борадаги таҳлиллар натижасида қисқа вақтда учта йирик ҳужжат Ўзбекистон Ресубликаси Президентининг 9-сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли Қарори, 30-сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, ПФ-5198-сонли Фармонларидан келиб чикиб, мактабгача катта ёшдаги болалар маданиятинини ривожлантиришда билиш даражасини кўтариш айниқса бўлғуси пеодагог, тарбиячиларнинг компетенциясини янада ривожлантириш зарурлигини кўрсатди. Шулардан келиб чиққан ҳолда “Олий таълим муассасалари негизида мактабгача таълим ташкилотлари(МТТ) ходимларининг касбий компетенцияси ва методик таъминотини такомиллаштириш” амалий тадқиқот лойиҳаси ҳам бугунги кунда ўзига хос дастуриламал бўлиб ҳисобланмоқда.

Асосий қисм. Болаларни ўзига хос ёш давриданок ташкилотчилик сифатларини шакллантириш, мустақил фикрлаш қобилияти ҳамда мулоқотга тез киришувчан бўлишларига эришиш демократик жамиятнинг фаол аъзолари бўлиб вояга етишларини таъминловчи омиллардан бири саналади.

Маълумки, болалар мактабгача таълим муассасаларида бўлган даврида фавқулудда ижодий тасаввурга бой бўлади. 5-6 ёшда атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурларни ўзлаштириб оладилар, ўзларининг амалий фаолиятлари ва борлиқни англашлари учун зарур бўлган ҳар хил маълумотларга эга бўлади. Мактабгача таълим муассасаларида ташкил этиладиган тадбирлар, кечалар, эрталикларни ўтказиш орқали болаларда мулоқат, ўзаро ёрдам, ишчанлик, маъсулият, чаққонлик, эпчиллик каби ташкилотчилик сифатларини илк кўринишларини шакллантириш мумкин. Мактабгача таълим ташкилотида олган билимлари бола учун катта заҳира ҳисобланади.

Болалар мактаб ҳаётига кириб келганларида, уларнинг фаолияти дастурлар асосида тизимли билим олишга ўтганда бир қадар ўзгаради [3]. Бизнингча, бу ўқиш-ўргатиш жараёнида табиийликнинг бузилгани, унга сунъийликнинг аралашуви туфайли содир бўлади. Бола бошланғич синфга қабул қилинган, унинг мустақиллиги, ўз интеллектуал даражасидаги фикрлаши ва ихтиёрий фаолияти маълум даражада чекланади. Ундан мактаб талабларига мувофиқ иш юритиш талаб этилади.

“Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий –маданий муассасаларини бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор- ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Ўйғониш даврининг тўрт таянч устунни деб баҳолаймиз[7].

Бошланғич синф ўқувчиси айрим ҳолларда мустақил равишда мулоҳаза юритишни унутиб қўйиши ҳам мумкин. Чунки унинг ўрнига ўқитувчи ўйлайди. Ўқитувчи болалар ўзлаштиришлари лозим бўлган билимларни тайёр ҳолда беради, саволлар қўяди, берилиши лозим бўлган жавоблар вариантини таклиф этади. Бериладиган савол ва топшириқларнинг ечилиш йўллари тавсия этади. Ўқувчи янги билимларни ўрганиш жараёнида тенгдошлари орасида ўзини намоён қилиш, берилган саволларга тезлик билан жавоб бериш, қисқа қилиб айтганда тан олинишга интилиш натижасида уларда лидерлик сифатларининг дастлабки кўриниши пайдо бўлади. Шу даврда ўқитувчи –педагогдан юқори малака, ўткир зеҳн ва зийраклик, педагогик маҳорат элементлари ва педагогик техника талаб этилади.

Ўқувчилар ёши психологик нуқтаи-назардан мустақиллик, ўз имкониятларини баҳолаш ва ўз-ўзини бошқариш каби сифатлар шаклланидиган давр саналади. Турли ёш даври ўқувчиларининг турли фаолият кўринишлари-ўйин, меҳнат ва таълим жараёнларидаги иштироклари уларда фаоллик, ҳаракатчанлик, мустақил қарор қабул қилиш, ўз имкониятларини баҳолаш ҳамда ўзлари мансуб бўлган микрогуруҳда тенгдошларининг хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш лаёқатларининг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатади ва бошланғич таълим даврида фан ўқитувчилари ва синф раҳбари томонидан ўқувчиларнинг турли кўринишдаги фаолиятларини тизимли, узлуксиз кузатиб боришлари ўқувчиларни ўз хатти-ҳаракатларига баҳо беришга ўргатади.

Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Халқ таълими соҳасидаги таълим стандартлари ва ўқитиш услубларини илғор хорижий тажрибалар асосида, ўқувчининг индивидуал қобилиятини рўёбга чиқариш нуқтаи-назаридан қайта кўриб чиқиш лозим. Фарзандларимизнинг қобилиятини рўёбга чиқаришга болаликдан эътибор бериб, уларнинг камолоти учун барча имкониятларимизни сафарбар этсак, юртимиздан яна қўллаб Бегунийлар, ибн Синолар, Улуғбеклар етишиб чиқади.” [2]

Назарий таҳлиллар натижасида маълум бўлишича, манбаларда “ташкilotчилик” тушунчасининг муқобиллари сифатида “етакчилик”, “лидерлик”, “сардорлик” ва “йўлбошчилик” каби атамалар ҳам қўлланилади. Бу тушунчалар ўртасида ўзаро алоқадорлик, боғлиқлик мавжуд бўлиб, жамоанинг уюшган ҳолда фаолият кўрсатишида индивидуал шахсларнинг устивор ролини ифодалашга хизмат қилади. Шу билан бирга юқорида тилга олинган тушунчаларнинг ҳар бири ўзига хос мазмунни ифодалаш билан бирга шахс фаолиятининг муайян даражаларини белгилайди.

Болаларда ташкилотчилик сифатларининг илк кўринишлари оилада айниқса, мактабгача таълим давриданок намоён бўлиб ривожлана бошлайди. Улар ён-атрофида бўлаётган воқеа-ходисаларга қизиқувчан бўладилар. Уларда бир вақтнинг ўзида бир нечта хатти-ҳаракат билан машғул бўлиш, интилувчанлик, қизиқишнинг кенглиги, ҳар қандай топшириқни ечишга ҳаракат қилишлик хусусиятлари намоён бўлади.

Ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантиришда ўқувчилар жамоаси ҳам етакчи ўрин тутди. Ўқувчилар жамоаси ўз-ўзини бошқариш хусусиятига эга бўлиб, у мақсаднинг бирлиги, ягоналиги ва ташкил қилиш хусусиятлари орқали умумжамоа билан боғланади. Бу борада Абу Наср Фаробийнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш фойдалидир: “ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради”.

Педагогик-психологик ва услубий адабиётларда тарбияланувчиларда ташкилотчилик сифатларининг ривожланишига қаратилган вазифалар аниқланган, аммо улар таълим тизимида етарлича ёритилмаган, амалий кўрсатмалар ишлаб чиқилмаган. Ўқувчиларнинг дарсда ташкилотчилик сифатларини ривожлантириш учун зарур бўлган педагогик шарт-шароитлар аниқланиши мақсадга мувофиқдир [4].

Синф раҳбарлари ва фан ўқитувчиларининг ўқувчиларини ўйин, меҳнат ва ўқув фаолиятида эришяётган энг оддий муваффақиятлари учун ҳам рағбатлантириб боришлари уларда ўз имкониятини муносиб баҳолаш, ўз кучига ишониш, мустақиллик, ташаббускорлик ва мақсадга интилувчанлик каби сифатларни шакллантиришга сезиларли таъсир кўрсатади [5].

Қобилиятли, ижодкор шахс-давлат ва ижтимоий ҳаёт учун ҳамиша зарур бўлган. Тарбиячи педагогларда ўзига хос ташкилотчилик хусусиятларининг мавжудлиги ўқувчи шахсида ижодкорликни, ташаббускорлик, мустақилликни тарбиялашга ўз таъсирини кўрсатиб боради. Педагогик фаолиятнинг ўзига хос кўринишларидаги асосий белгилар темпераментда (жавоб таъсирининг муайян вақт ва тезликда намоён бўлиши, ўқитувчининг ўзига хос иш услуби ва хиссий барқарорлик); у ёки бу педагогик вазиятларга муносабат характерида; метод танлашда; тарбия воситаларини ажрата олишида; педагогик муаммо, вазиятни ҳал этилиши тизимида; ўқувчилар фаолияти ва хатти-ҳаракатларига эътибор беришда; ҳуқуқий кўринишларда; рағбатлантириш ва жазолаш усуллари қўллашда; объектга психологик-педагогик воситаларни йўналтира олишида намоён бўлади. Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи ўзида умумий педагогик компетенция ва ўзига хос ташкилотчилик сифатларини ривожлантириб бориши лозим. [6].

ХУЛОСА

Шундай қилиб, узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантиришнинг таъсирчан омилларидан бири эгалланиши лозим бўлган билимларни узвий тарзда олиб бориш эканлигини тасдиқлади. Ташкилотчилик сифатларини ривожлантириш босқичларининг тарбиявий имкониятлари, болаликнинг ёш даврларида киришимлилиқ, жамоа билан бирга бўлишга интилиш, ўз-ўзини муносиб баҳолаш, ўз кучига ишониш, жамоа аъзоларини тушуна олиш, лидерлик, ташаббусни қўлга олиш каби сифатларни самарали шакллантирилишини таъминлади. Ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантириш мактабгача таълим муассасалари ҳамда мактабларда умумий ягона мақсадга йўналтирилган педагогик фаолиятни изчил ва тизимли ташкил этилиши зарурлигини тасдиқлади.

Иктибослар / Сноски / References:

1. Таълим тўғрисида : Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрь № ЎРҚ – 637 сонли қонуни// Халқ сўзи.-2020.- 24 сентябрь

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.
3. Мирзиёев Ш.М. “Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади”. «3» «Ўзбекистон». НМИУ, 2019. 34 бет.
4. Узоқов И. Ўқувчиларда маъсулият хиссини шакллантиришга методик ёндашув // Педагогик таълим. - Т, 2008. - № 1.-Б. 15-18
5. Алметов Н.Ш. Ўқув-тарбия жараёнида халқ педагогикасининг тарбиявий имкониятларидан фойдаланиш /Ўқитувчилар учун қўлл. - Чимкент: Жанубий Қозоғистон ВММОКТИ, 1993.-90 б.
6. Сафарова Р, М.Иноятова, М.Шокирова, Л.Шермаматова. Алифбе. Умумий ўрта таълим мактабларининг 1-синфи учун дарслик.-Т.:Маънавият, 2007.-79 б.
7. Комилова Ф.М. Бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш. Методик қўлланма.-Т.:”Yangi nashr”2010.-226.
8. Асосий мақсад- учинчи ренессанс пойдеворини яратиш. Халқ сўзи. 2020. №7.
9. О.Хасанбоева ва бошқалар Мактабгача таълим педагогикаси Тошкент 2011.
10. Ш.А.Дустмухаммедова ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология Тошкент 2013
11. Психология. Қисқача изоҳли луғат. - Т: Низомий номидаги ТДПУ. -46 б.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Хайров Расим Золимхон ўғли

Гулистон давлат университети

“Тасвирий санъат ва

муҳандислик графикаси”

кафедраси катта ўқитувчиси

хайrov@mail.ru

Куйчиева Замира Унаровна

Гулистон давлат университети


“Муסיкий таълим”

кафедраси ўқитувчиси

kuyichieva69@inbox.ru

ЭСТЕТИК ТУРКУМДАГИ ФАНЛАРДА “УСТОЗ-ШОГИРД” АНЪАНАЛАРИ

For citation: R.Z. Khairov., Z.U. Kuychieva. Traditions "mentor and pupil" in the lessons of the aesthetic cycle. Journal of innovations in pedagogy and psychology, 2020, Special Issue 4, pp.10-16

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-SI-4-2>

АННОТАЦИЯ

“Устоз ва шогирд” анъанасининг долзарблиги шундан иборатки, таълим олувчиларда ўз устида ишлаши, уларга индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда ёндашиш ва истеъдодларни янада ривожлантириш учун қулай шароит яратиш имкониятини яратиб берилишидир. Бундай ҳолатлар ёшларда нафақат меҳнат ва ўқув жараёнига масъулият билан ёндашишни, балки бошқаларнинг меҳнатига ҳурмат, ҳалол меҳнат, меҳнат самарадорлиги билан фахрланиш каби маънавий-ахлоқий фазилатларни ҳам шакллантиради. Бугунги кунда ёшларни тарбиялашда ўзбек халқнинг урф-одатлари, анъаналари, одоб-ахлоқ қоидаларига мувофиқ равишда халқнинг миллий таълим тизимидан самарали фойдаланган ҳолда берилиши ва бу йўналишда ўқитувчилар ўзларининг маҳоратларидан унумли фойдаланишлари керак. Ушбу мақолада эстетик туркумдаги фанлардан тасвирий ва муסיқа санъатида устоз ва шогирд анъаналарининг аҳамияти, унинг тарихи ва педагогик тамойиллари ҳақида қисқача сўз боради.

Калит сўзлар: устоз, шогирд, анъана, ўқувчи, ўқитувчи, педагог, тасвирий санъат, муסיқа, бадий академия, метода, усул, индивидуал ёндашув, қобилият, педагогик ташҳис, гуруҳлар, самарадорлик.

Хайров Расим Золимхон ўғли,

ст. преподаватель кафедры

«Изобразительное искусство и инженерная графика»

Гулистанского государственного университета

xayrov@mail.ru

Куйчиева Замира Унаровна,
преподаватель кафедры «Музыкальное обучение»
Гулистанского государственного университета
kuyichieva69@inbox.ru

ТРАДИЦИИ «НАСТАВНИК И УЧЕНИК» НА УРОКАХ ЭСТЕТИЧЕСКОГО ЦИКЛА

АННОТАЦИЯ

Актуальность традиции «Наставник и ученик» заключается в том, что ученикам предоставляется возможность работать над собой, подходить к ним с учетом их индивидуальных особенностей и создавать благоприятные условия для дальнейшего развития талантов. Такие ситуации формируют у молодых людей не только ответственный подход к работе и учебе, но и духовные и моральные качества, такие как уважение к чужому труду, честный труд, гордость за эффективность работы. Сегодня в воспитании молодежи в соответствии с обычаями, традициями и моралью узбекского народа необходимо эффективно использовать национальную систему образования народа, а учителя в этой сфере должны эффективно использовать свои навыки. В этой статье кратко обсуждается важность традиций учителя и ученика в изобразительном и музыкальном искусстве, его история и педагогические принципы в дисциплинах эстетической категории.

Ключевые слова: наставник, ученик, традиция, ученик, учитель, педагог, изобразительное искусство, музыка, художественная академия, метод, техника, индивидуальный подход, умение, педагогическая диагностика, группы, эффективность.

Khairov Rasim Zolimkhon corners,
Senior Lecturer of the Department
of Fine Arts and Fine Arts
Engineering Graphics »Gulistan State University
E-mail: xayrov@mail.ru
Kuychieva Zamira Unarovna,
Lecturer, Department of Musical Education,
Gulistan State University
E-mail: kuyichieva69@inbox.ru

TRADITIONS "MENTOR AND PUPIL" IN THE LESSONS OF THE AESTHETIC CYCLE

ABSTRACT

The relevance of the "Mentor and Apprentice" tradition lies in the fact that students are given the opportunity to work on themselves, approach them taking into account their individual characteristics and create favorable conditions for the further development of talents. Such situations form in young people not only a responsible approach to work and study, but also spiritual and moral qualities, such as respect for other people's work, honest work, pride in work efficiency. Today, in educating young people in accordance with the customs, traditions and morality of the Uzbek people, it is necessary to effectively use the national education system of the people, and teachers in this area must effectively use their skills. This article briefly discusses the importance of teacher and student traditions in the visual and musical arts, its history and pedagogical principles in the disciplines of the aesthetic category.

Key words: mentor, student, tradition, student, teacher, teacher, fine arts, music, art academy, method, technique, individual approach, skill, pedagogical diagnostics, groups, efficiency.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5538-сон Фармонида мувофиқ: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси тасдиқланди ва унда замонавий педагогик технологияларнинг муҳим қисмларидан бири сифатида индивидуал таълимга алоҳида эътибор берилган. Хусусан мазкур қарорда ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, деб белгиланган[1; 1-6].

Бу шароитда мамлакатимиз фан ва амалиётида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларга **“Устоз ва шогирд”** анъаналарига янгича услубда ёндашиши кузатилмоқда. Айниқса, ёшларнинг таълим-тарбияси учун чора-тадбирларни ўз ичига олган **5 ташаббуснинг** биринчисиди эстетик туркумдаги фанларга алоҳида эътибор берилган бўлиб, тасвирий санъат мусиқада намоён бўладиган бадий қобилятни ривожлантиришда **“Устоз ва шогирд”** анъаналарини тадқиқ этишга қаратилган ишлар, бугунги кунда **долзарб муаммолардан** бирига айланди. Мактаб ёшидаги болаларни муваффақиятли ривожланишида тасвирий санъат ва мусиқа дарсларида турли хил ана шундай **методларини** қўллаш зарур бўлади. Ўзининг методик тўпламида **“Устоз ва шогирд”** анъаналарига эга бўлган ўқитувчи, таълимнинг самарали кўрсаткичига эришади.

Асосий қисм. Устоз - шогирд муносабатлари аجدодларимизнинг азалий анъаналаридан бири ҳисобланади ва ушбу анъанадан ёш авлодни тизимли камолотга йеткиришда фойдаланиб келинган. Шунинг учун ҳам **“Устоз”** деган ибора бизга нондай арзандадир. Бутун машрик замида устоз- шогирдлик анъанаси чуқур ҳурмат, иззат- икром ва ўзгача олий мақом кадриятлар шоҳсупасининг энг тўридан жой олган.

“Устоз ва шогирд» анъаналари - ёшларни касбий маҳоратга ўргатиш, маънавий-маърифий салоҳиятини ошириш, изланиш, ижодкорлик, бир сўз билан айтганда ҳар томонлама етук шахсни шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Яна бир характерли хусусияти шундаки, у ўқувчининг ўзига хос имкониятларига ишончни шакллантиради, вазиятни ва иродавий фазилятларни тўғри баҳолайди, шунингдек ўқувчининг ижтимоий фаолияти устоз назорати остида бўлади [11; 21-6].

Ўзбек халқи ўзининг тасвирий, амалий, меъморчилик санъати билан фахрланса арзийди. Президентимиз Ш.М. Мирзиёев халқимизнинг ана шундай бой тарихий, илмий, маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон афкор оммасига кенг таништириш, ўлкамиз рассом ва хаттотларини дунёга танитиш ва туризм масаласида **“Бу масканга ташриф буюрувчилар бир вақтнинг ўзида... Камолиддин Бехзод, Маҳмуд Музаҳхиб каби мусаввирларнинг бебаҳо меросидан намуналар, улар таваллуд топган ва фаолият кўрсатган тарихий шаҳарлар манзаралари турли ноёб экспонатлар орқали акс эттирилади”** деб таъкидлади. [2; 469-б.]. Чунки, Ўзбекистон ҳудудида эрамиздан аввал ҳам тасвирий санъатнинг рангтасвир, ҳайкалторошлик, меъморчилик турлари ниҳоятда ривожланди, уларнинг намуналари Варахша, Афросиёб, Халчаён, Тупроққалъа, Болалик тепа, Айртом, Далварзин тепа, Фаёз тепа, Қўйқирилган қалъа, Ажина тепа, Тешик қалъа ва бошқа бир қатор жойлардан топилган.

Амир Темур ва Темурийлар даврида тасвирий санъат турларидан меъморчилик, миниатюра гуллаб - яшнади. Бу даврда миниатюра ва китоб графикаси шунчалик ривожландики, у нафақат Шарқ, хаттоки Европа мамалакатлари санъатига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Натижада, Самарқанд, Бухоро, Хирот миниатюра мактаблари билан бир қаторда Бағдод, Табриз, Шероз, Озарбайжон, Ҳинд, Исфахон, Турк миниатюра мактаблари ҳам шаклланди ва ривожланди. Бу даврларда яратилган асарларнинг бадийлиги ҳозирги замон рассомлари ва ҳайкалтарошларининг асарларидан қолишмайди десак муболаға бўлмайди. Бундай юксак бадий савиядаги асарларни ўша даврда тўпланган илғор тажриба, тасвирий санъат мактабларисиз яратиш мумкин эмас. Маълумки, санъат бир неча авлоднинг кўп йиллар давомида шаклланган анъаналари, **устознинг шогирдга** ўтказган билимлари

асосидагина тараққий топади. [8]. Бу эса умумий бадиий таълим йўналишида бўлмаса ҳам, касбий бадиий таълим шаклида ривожланганлигидан далолат беради.

Ўқувчиларга устоз ва шогирд анъаналарининг асослари янги ёки яқин 100-200 йил давомида пайдо бўлган жараён эмас, у кишилик жамияти, аниқроғи, ибтидоий жамоа пайдо бўлган даврдан бошланган, десак тўғрироқ бўлади [5, 8-б]. Чунки жамият тараққиёти бевосита катталарнинг ўз тажрибаси ва билимларини ёш авлодга турли йўллар билан ўтказиш жараёнида рўй беради. Бу жараён ўша даврларда синф-дарс тизимида бўлмаса-да, ҳар қалай кундалик турмушда амалга оширилгани ҳаммага маълум. У меҳнат, оила муносабатлари, ов, тарбия соҳаларида, ёшларнинг ёши, қобилияти, жинси, қизиқишлари каби хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бўлганлиги ҳаммага маълум. Болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб уларга ҳунар ўргатганлар, таълим ва тарбия мазмунини белгилаганлар. Таълим-тарбияга бундай ёндашув қадимги Мисрда, Ўрта Осиёда эрамиздан аввалги VI-V асрларда, бўлганлиги расмий маълумотлардан бизга маълум. Ҳатто узоқ қадимда ўқувчиларнинг бадиий ҳунарларни ўзлаштириши Қадимги Грецияда, сўнг бир қатор Европа давлатлари Уйғониш даврида ўқувчиларга устоз ва шогирд масаласи педагогларнинг алоҳида эътиборини тортди. Чунки у даврларда устознинг ёрдамчи ва шогирди бўлганлиги учун, ўқувчи-шогирд устозининг бадиий асарларни яратишдаги техникаси, услубини ўзига бевосита қабул қилган.

Буни Темурийлар даври миниатюра мактаблари, шу даврларда яшаб, ижод этган тасвирий санъат усталари ва улар шогирдларининг фаолиятларида ҳам кўришимиз мумкин. Ҳиротда шаклланган санъат мактабида Хиротлик Мирак наққош Камоллидин Беҳзодга устозлик қилгани, унга миниатюра рангтасвири сирларини ўргатгани ҳақида маълумотлар бор. Шу мактабнинг давомчиси сифатида Камоллидин Беҳзод ўнлаб мусаввирларга устозлик қилган, дейди профессор Ориф Усмонов ўзининг “Камоллидин Беҳзод ва унинг наққошлик мактаби” номли китобида [128; 32-б.]. У ерда Камоллидин Беҳзод ўз атрофига ўнлаб истеъдодли ёшларини тўплагани, уларга санъатнинг сир-асрорларини ўргатгани ва Табризда Султон Муҳаммад, Мир Али, Султон Муҳаммад, Абдулла Шерозий, Мирзо Амир, Маҳмуд Музаҳҳиб, Оқо Мирак, Музаффар Али, Султон Муҳаммад Нур, Ризо Аббосий, Шомухаммад Нишопурий, Юсуф Мулло, Мавлоно Ёрий, Ҳасан Бағдодий, Дарвеш Муҳаммад, Мир Саид Али, Қосим Али, Херавий сингари ўнлаб истеъдодли мусаввирларни тарбиялаганлигини ёзади. Шогирдлари Беҳзоднинг тасвирий санъат услубини давом этириб, миниатюра ва хаттотлик санъати равнақига ҳисса қўшиб, ўзларидан кейин миниатюра мактабларига асос солиб юзлаб мусаввирлар етишиб чиқишига замин яратганалар. XVII-XIX асрларда ижод қилган тасвирий санъат усталаридан Муҳаммад Муқим, Аҳмад Калла, Аҳмад Дониш, Мулла Ҳусниддин, Мулла Ортиқ Раҳматий, Иброҳим Даврон каби рассомлар фаолияти устоз-шогирд масаласида эътиборга моликдир. Устоз-шогирд ўртасидаги муносабатларни биз тарихий манбаларга таяниб ўрганадиган бўлсак, у даврларда тасвирий санъатни ўқитишда рассом - устозларнинг бадиий устахоналарида ўқувчи-шогирдларга таълим-тарбия бериш аниқ белгиланган қонун-қоидалар асосида олиб борилган. Бу жараёнда шогирдларни жамоа бўлиб ўқитиш, улар билан бирга ва яқка тартибда ишлаш муҳим ҳисобланган [10; 35-б].

Европада бу даврларда ота-онаси томонидан маъқулланган қобилиятли, одатда ўн ёшга тўлган болаларни таниқли рассомларга шогирдликка берганлар, у ерда шогирдлар тасвирий санъатнинг сиру асорларини яқин уч йил давомида ўрганишган. Голланд рассоми Рембрандтнинг 40 га яқин шогирдлари бўлгани тадқиқотчиларга маълум [9; 1-б]. Машҳур рассомлардан Ченнино Ченнини, Леон Батиста Альберти, Верокьо, Микелланжело, Леонардо да Винчи, Альбрехт Дюрер, ака-ука Каррачилар яратган ўқитиш тизимида ўқув материалларини тез ўзлаштириш, ўқувчиларни илмий билимлар, мунтазам машқ, қонун ва қоидалар асосида расм ишлаш малакаларни ҳосил қилиш асосий ўринни эгаллади.

Ўша даврларда бўлажак рассомларни ўқитиш устознинг енгил топшириқларидан бошланарди. Масалан, ўқувчи аввалига левкасни тайёрлаш (гипс, елим, ва сув қоришмаси), асосга қоплама (грунт)ни суртиш (мато ёки ёғочга), фрескалар учун шпакатуркани тайёрлаш, бўёқларни суртиш билан шуғулланган. Фақат шундан сўнг устоз қобилиятли ва тайёргарлик

кўрган шогирдаларини аста-секин рангтасвир ишларига яқинлаштирган. Аввалига ўқувчининг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб, картинадаги манзара, кейинчалик кийим лавҳасини ишлаш топширилган. Кейинчалик устозининг рангтасвир асаридан нусха кўчиришга рухсат берилган. Мана шулардан кейин устози ўз шогирдига мустақил ўзининг картинасини яратишга рухсат берган. Ўқувчининг индивидуаллиги бартараф этилмаган, аксинча устозидан ўрганилган методика асосида ўзининг қобилиятлари такомиллаштирилган.

Уйғониш даврининг буюк рассомлари ўзларининг асарларини яратишда нафақат оғзаки тушунтириб, балки ўқувчи-шогирдларига индивидуал ёндашиб, биргаликда амалий тарзда ишлаб кўрсатганлар, бунда ўқувчи ўз кўзи билан асарнинг яратилиш босқичларини кузатган. Ўша даврнинг рассомлари ўзларининг илмий қўлёзмаларида таълимда бу масалалар принципларини қўллаш, унинг самараси ҳақида қисман ёритиб ўтганлар. Масалан, Ченнино Ченнини шундай ёзган: “Кўпчилик тасвирий санъатни устозсиз ўргандик десалар, сен уларга асло ишонма, мисол тариқасида шу китобчани ўқиб чиқ; кечаю-кундуз ўқиб ўргансанг ҳам, аммо устоз кўрмасанг, ўрганиб ўқиб бўлганингдан сўнг ҳам сен устозлар қаторидан жой ололмайсан” [13; 22-б]. Юқорида устознинг келтирилган фикридан хулоса қилсак, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида албатта жонли мулоқот бўлиши керак, ўқитувчи-устоз тасвирий санъатнинг қонун-қоидаларига амал қилиб, умумий берилган таълим жараёнидан озроқ чекиниб, ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб таълим жараёнини куриш мумкин дейилган.

XVII-XVIII асрларга келиб Европада давлат бадий академиялари, хусусий рассом устахоналарига қараганда анча кўпайди. Таълим жараёнида устоз ва шогирд муаммоси ва индивидуал ёндашув масаласи катта аҳамият касб этди, яъни тасвирий санъатнинг турларини ўқитиш дарс тизими сифатида намоён бўлди, бунда рассом-педагогларнинг иш жараёнида асосий фактор вақтнинг регламентлаштирилиши эди. Индивидуал ёндашув масаласи асосан, икки йўналишда олиб борилар эди: биринчиси, масалани педагог-рассом амалий намоён этиб, оғзаки тушунтириб берар, иккинчиси ўқувчига амалий кўрсатилмасдан фақат оғзаки тушунтирилар ва изоҳлаб берилар эди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бу икки йўналишни бир-биридан ажратиб ёки қарама-қарши қўйиш мумкин эмас. Чунки у ёки бу ёндашувда ўқувчининг қобилияти ва лаёқати ҳисобга олиниб келинган ҳамда тушунтирилаётган материалнинг мураккаблигига боғлиқ бўлган [4; 12-б].

Бугунги кун республикамиз умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат ва мусиқа ўқитувчиси қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишда албатта устозлар ўғити ва анъаналарига жиддий ёндошиши шарт:

- ўқувчиларни эстетик фанлар асослари бўйича мустақкам билимлар билан қуроллантириш:

- ўқувчиларни тасвирий санъат ва мусиқага қизиқишларини ва қобилиятини ривожлантириш:

- ўқувчиларни эстетик руҳда тарбиялаш:

- ота-оналар ва уларнинг ўрнидаги шахслар ва жамоатчилик билан алоқада бўлиш:

- эстетика бўйича билимларини тарғибот қилиш, ўз устида ишлаш ва педагогик малакасини мунтазам равишда ошириб бориш.

Ўқитувчи ўқувчига таълим бериш сифати учун, улар билими ва тарбиясининг даражаси учун маъсулиятлидир.

Ўқитувчиси умумпедагогик маҳоратни профессионал тарзда эгаллаган бўлиши:

- ўқувчиларнинг эстетик фанлардан билимдонлиги ва тарбия олганлик

- даражасини аниқлай билиши;

- ўқувчи ва синф болалари ривожланишини режалаштира билиши;

- тасвирий санъат ва мусикадан ўзлаштиришда ўқувчиларнинг дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликлар ва йўл қўйиши мумкин бўлган ҳатоларни олдиндан кўра билиши;

- тасвирий санъат ва мусикий ўқув методлари, воситалари ва ташкилий шаклларини асосли тарзда танлай билиши;

- ўқув-тарбия материаллини таълим ва тарбия даражасини ҳисобга олган ҳолда танлаб, таҳлил ва синтез қила билиш;
- таълим ва тарбия методларини педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ тарзда қўллана билиши;
- ўқувчиларнинг ҳуқ-атвори, интизоми ва фаоллигини идора қила билиши;
- ўзини ҳаёлан ўқувчилар ўрнига қўйиб кўра билиши;
- ўқувчиларни вазифани бажариши учун гуруҳларга ажратиш чоғида уларнинг ўзаро муносабатларини, шахсий майллиги ва ҳушламаслигини ҳисобга олиши;
- ўқувчиларни ўзига яқин тутиши, зарур бўлган тақдирда жамоа билан ва айрим ўқувчилар билан муносабатни қайта қуриши, уларга индивидуал йўл топа билиши;
- ўз иш тажрибасини таҳлил қилиб, умумлаштира билиши;
- бошқа ўқитувчиларнинг тажрибасини умумлаштириш ва самарали шакллар, метод ва усулларни ўз ишида фойдаланиш мақсадида таҳлил қила билиши;
- эришилган натижаларни таҳлил қилиш негизда навбатдаги педагогик вазифаларни илгари суриши ва асослаб бериши керак.

Шу тариқа тасвирий ва мусиқий фаолият ўқитувчи шахсига ва профессионал билимдонлигига нисбатан юксак талаблар қўяди. Бу талаблар ўқитувчилик касби учун умумий ҳисобланади.

ХУЛОСА

Эстетик туркумдаги фанларда “Устоз ва шогирд” усулларида моҳирона фойдаланиш ўқув жараёнининг **самарадорлигини оширади**, чунки барча ўқувчилар, истисносиз, ўқитувчининг диққат ва эътиборида бўлишади; мактаб ўқувчиларининг индивидуал хусусиятларига асосланиб, ўқитувчи барча ўқувчиларига нафақат тасвирий санъат ва мусиқа соҳасидаги билим, кўникмаларнинг минимал зарурий билимларни бериши, шу билан бирга уларнинг ижодкорлиги, бадиий қобилиятларини, маълум даражада маҳоратларини максимал даражада оширишга имкон берадиган тарзда машғулотларни ташкил қилиши мумкин; тасвирий санъат ва мусиқа дарсларида устоз ва шогирд анъаналари қўллаш орқали мактаб ўқувчиларининг ўқув ва ижодий фаоллиги фаоллашади, топшириқларни бажаришда мустақил ишлаш даражаси, янги билимларни ўрганишга, фанга қизиқиши янада ошади.

Шундай қилиб, ўрганилган адабиётларни таҳлил қилганимиздан сўнг, дарсларда ўқувчилар устоз ва шогирд усулларида келиб индивидуал ёндашув орқали берилган вазифаларни бажаришда фаол иштирок этган деган хулосага келишимиз мумкин. Индивидуал ёндашувни орқали ўқувчиларнинг тасвирий ва мусиқа фаолиятини сезиларли ўсиш динамикасини аниқлашга имконини беради. Шунинг учун илмий мақолага қўйилган мақсадга эришилди, вазифалар бажарилди, гипотеза ва методларнинг аҳамияти тасдиқланди. Устоз ва шогирд анъаналарини муайян кетма-кетликда ва тизимда, доимий, аниқ ташкил этилган жараён сифатида амалга оширилса, ҳар бир боланинг шахсиятининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Иктибослар / Сноски / References:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: www.lex.uz. 2018.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараккиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 592 б
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор // Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги. UzDaily.uz


4. Ҳасанов Р. Мактабда тасвирий санъатни ўқитиш методикаси. -Т.: Фан. 2004.-250 б.
5. Ҳасанов Р., Хайров Р. Ўқувчи қобилияти, ташхис ва табақалаштирилган таълим. // Мактаб ва ҳаёт.- 2010. -№7-8 (75-76) –Т.-2-5.
6. Умумий ўрта таълим мактабларида табақалаштириб ўқитиш муаммолари // Республика илмий-амалий конференциялари материаллари. Т.Н.Қори
7. Ниёзий номли Ўз ПФИТИ. –Т.: 2003. -184 б.
8. Усмонов О. Комолиддин Бехзод ва унинг наққошлик мактаби. –Тошкент.: Фан. 1997. 256 б.
9. Учителя-ученики: “школьный парад” знаменитых художников. “Архив” - социальная сеть вокруг искусства //www.artchive.ru
10. Ойдинов Н. Рассом ўқитувчилар тайёрлаш муаммолари. – Тошкент.: Ўқитувчи – Зиёношир. 1997. -215б.
11. Куронов М. Мактаб маънавияти ва миллий тарбия. Тошкент: Фан, 1995.
12. Матякубов Ш.Б. Традиции «Наставник и ученик» в обучении традиционному исполнительству. // Проблемы педагогики. Российская федерация. ООО «Олимп» -2019. -№5. -6-7с.
13. Ченнино Ченнини. «Трактат о живописи». М.: Просвещение. 1933.-с.76.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Джалалова Сайёра Мирхайдаровна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Чет тиллари кафедраси катта ўқитувчиси

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР БОШҚАРУВ КАРЬЕРАСИНИНГ ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

For citation: S.M. Dzhalalova. Socio-pedagogical peculiarities of women's management career in the education system. Journal of innovations in pedagogy and psychology, 2020, Special Issue 4, pp. 17-20

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-SI-4-3>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақоланинг кириш қисмида Ўзбекистон аёллари бошқарув карьерасининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Аёлларнинг бошқариш фаолиятини муваффақиятли амалга оширишга ёрдам берадиган асосий омиллар кўриб чиқилган, бошқариш фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилган. Мақолада ишлаб чиқариш, саноат, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик соҳаларида эркалар билан бир қаторда хотин-қизларга тенг имкониятлар ва шароитлар яратилганлиги, бундай шароитларда хотин-қизларнинг ўзлари танлаган касб-хунарлари ва жамиятда эгаллаган мавқеларини янада ошириш, танлаган касби-кори йўналишида профессионал ўсишга эришиш, малакасини ошириш, карьерага эга бўлишлари учун барча ижтимоий шарт-шароитлар мавжудлиги ҳақида хулосалар баён қилинган.

Калит сўзлар: мартаба, аёллар карьераси, касбий мартаба, мартаба ўсиши, аёллар карьерасининг ўзига хослиги, мартаба ютуқлари, менежмент.

Джалалова Сайёра Мирхайдаровна
старший преподаватель кафедры Иностранных языков
Международной исламской академии

СОЦИАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ УПРАВЛЕНЧЕСКОЙ КАРЬЕРЫ ЖЕНЩИН В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ

АННОТАЦИЯ

В вводной части данной статьи анализируется специфика управленческой карьеры женщин в Узбекистане. Рассматриваются основные факторы способствующие женщинам успешно реализовать себя в управленческой деятельности, акцентируется внимание на особенностях и специфике характеризующих их. В заключительной части статьи рассматривается создание

равных возможностей и условий для женщин и мужчин в сфере производства, промышленности, малого и среднего бизнеса, частного предпринимательства, и то, что для женщин созданы все социальные условия для роста, повышения квалификации, карьеры.

Ключевые слова: карьера, женская карьера, профессиональная карьера, карьерный рост, специфика женской карьеры, карьерная успешность, менеджмент.

Dzhalalova Sayora Mirkhaidarovna

Senior Lecturer of the Department of
Foreign languages of the International Islamic Academy

SOCIO-PEDAGOGICAL PECULIARITIES OF WOMEN'S MANAGEMENT CAREER IN THE EDUCATION SYSTEM

ABSTRACT

The introductory part of this article analyzes the specifics of the managerial career of women in Uzbekistan. The main factors that contribute to women to successfully realize themselves in managerial activities are considered, attention is focused on the features and specifics that characterize them.

The final part of the article examines the creation of equal opportunities and conditions for women and men in the field of production, industry, small and medium-sized businesses, private entrepreneurship, and the fact that all social conditions have been created for women for growth, advanced training, and career.

Keywords: career, women's career, professional career, career growth, specificity of women's career, career success, management.

Хозирда Ўзбекистон Республикасида аёл ходимлар менежменти фаол ва қаттиқ талаблар асосида самарали шаклланиб келмоқда. Бозор иқтисодиётининг ривожланиши мамлакатимиз аёлларини фақат касбий соҳага йўналтириб, асосан оиланинг моддий таъминотини яхшилаш мақсадида олий маълумотга эга бўлиш билан чегараланиб қолмай, балки бошқарув фаолиятига интилиши тенденциясини юзага келтирди. Бу фаолликнинг аниқ шартларини ўзини намоён этиш, ҳурмат қозониш, жамият томонидан қобилиятларининг тан олинishi, иқтисодий мустақиллик, муваффақият, қатъиятлилиқ билан белгилаш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида аёлларнинг ўз потенциал имкониятларини англашлари, ўзлари учун муҳим бўлган қадриятларини фаҳмлаб олишлари, аёл мавқеининг ижодкор шахс сифатида шаклланиши, эркаклар билан тенг равишда жиддий муаммоларни қўйишлари ва муваффақиятли ҳал қилишлари – нафақат уларнинг катта ютуқлари, балки олимларнинг тадқиқот предмети ҳам айланди. Уларнинг ютуқларини ўрганишнинг муҳим жиҳати – иқтисодий ва ижтимоий мустақиллик, бошқарув фаолияти, ҳамда ҳар бир аёлнинг жамиятидаги ўз ўрни ва аҳамиятлилигини англаб етишидир.

Олиб борилган тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, аёлларнинг касбий малакалари ўсиши стратегияси уларни бошқарув фаолиятига олиб келишининг сабаби бўлиб, ўзбек аёли учун, одатда, барқарор юқори ҳақ тўланадиган иш ўрни ва ижтимоий нуфузга эга бўлиш мотивидан кўра устунлик қилмоқда. Сўровнома натижаларига кўра, барча раҳбар аёллар маълумотлари даражасининг ўсишини карьера пиллапоясидан кўтарилишнинг асоси, деб ҳисоблайдилар. Бошқарув фаолиятида ўзини намоён эта олган аёллар сифат жиҳатидан ўзгача мақсадларга эга бўлиб, иқтисодиёти юқори ривожланган мамлакатларга хос ўзгача ҳаёт тарзи, ёш, маълумот, оила, ташкилотчилиқ тури, яшаш жойи, шахсий сифатлар каби мослашув (адаптация) ресурсларидан фойдаланадилар. Шунингдек аёллар карьерасининг муҳим тенденцияси мақсадли моделлаштириш ва шахсий ижтимоий-маданий, интеллектуал, ижодий, иқтисодий салоҳиятини мукаммаллаштиришдан иборатдир.

Аёлнинг профессионал соҳадаги муваффақиятлари энг аввало яқин кишининг мадади ва ўзидаги харизмаларга боғлиқ экан. Хорижда ўтказилган тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, бизда бевосита Аллоҳ томонидан инсонга берилган иқтидордан ҳам кўра, аёл учун яқин

инсон – турмуш ўртоғининг бу ишга муносабати етакчи роль ўйнаётган экан. Уларда энг аввало биринчи ўринда шахсий интилиш, ўзини ўзи намоён этиш кабилар устунлик қилади. Биз ушбу ҳолатга янада ойдинлик киритиш мақсадида респондентларга **“Бевосита оила аъзоларингиз, жумладан, турмуш ўртоғингиз ва унинг яқин қариндошлари карьерангизга қарши бўлишса, нима қиласиз?”** деган савол билан ҳам муносабат қилдик. Жавоблардан шу нарса маълум бўлдики, профессионал йўналишда карьерага интилган хотин-қизлар учун бир томондан турмуш ўроғи ва яқин қариндошларининг муносабати аҳамиятли, лекин иккинчи томондан улар танлаган йўлларида осонликча қайтмасликлари ҳам аниқланди. Масалан, мактаб соҳасида профессионал карьерга интилаётган хотин-қизларнинг жавоблари қуйидаги жадвалда келтирилган.

**Мактаб тизимида ишлаётган респондентларнинг берган жавоблари таҳлили
(жами N= 70, фоиз ҳисобида)**

Жавоб вариантлари	Абсолют рақамларда	фоизда
уларнинг фикри мен учун муҳим	10	14,3
улар ҳеч қачон қарши бўлмайдилар	15	21,4
мен мустақил шахс эканимни исботлайман	9	12,85
барибир йўлини топиб кўндираман	15	21,4
жамоатчиликни аралаштириб бўлса ҳам кўндираман	12	17,1
шундай бўлишидан қўрқаман	8	11,4
билмайман	1	1,4

Рақамлардан кўриниб турибдики, респондентларнинг фикрларида ҳам ҳавотирланиш, ҳам иккиланиш, ҳам ўзига ишончли тасдиқловчи жавоблар мавжуд. Масалан, респондентларнинг 15 нафари (21,4%) яқин қариндошлари, жумладан турмуш ўртоғининг ҳеч қачон улар профессионал карьерасига қарши чиқмасликларига ишонсалар, айнан шунчаси барибир нима қилиб бўлса ҳам уларни кўндира олишларига ишонадилар (“барибир йўлини топиб кўндираман” жавоби). Бундан улар позициясидаги амбивалентлик кўриниб турибди, ҳам бевосита ўраб турган муҳитга ишонади, ҳамда параллел равишда ўзига ҳам ишонади. Кейинги ўринда бундай аёллар жамоатчиликка ишонади, яъни, катталарни, обрўли шахсларни аралаштириб бўлса ҳам ўз мақсади сари интилишини очиқ баён этадилар (17,1%). Демак, ташқи ижтимоий муҳит ва “Мен”даги ишонч хотин-қизлар профессионал карьерасига ижобий муҳит-омил ролини ўйнаши мумкин. Лекин ҳар ўн нафар сўралувчилардан биттаси (11,4%) вазиятнинг профессионал карьерага қарши ишлаб қолишидан ҳам қўрқади, ҳавотирланади, бу ҳам шарқ халқларидаги азалдан аёлларга хос бўлган психологик стеретипларнинг таъсири бўлиши мумкин. Чунки бу тоифа аёллар агар турмуш ўртоғи ёки қайноналари унинг професисонал ўсишига қарши бўлиб туриб олишса, қандай йўл тутишни билмайдилар. Шу сабабли ҳам эрининг профессионал карьерага муносабати улар учун ўта муҳимдир.

Ҳозирги кундаги профессионал таълими тизимига қўйилган талаблардан келиб чиқиб, ҳудуддаги меҳнат бозорини инобатга олиб, иш берувчиларни таклифлари асосида ушбу ишларни амалга ошириш, ҳамда янги йўналишларни очиш орқали таълим муассаса фаолиятини сақлаб қолинади. Таълим муассасага кўпроқ ўқувчилар жалб қилиш орқали қўшимча маблағлар шакллантирилади, керакли жихозлар билан таъминланади. Моддий техник база инфратузилмаси бойитилади. Натижада ўқувчилар билим даражаси кўтарилиб, меҳнат бозори халқаро стандартларига жавоб берадиган рақобатбардош кадрлар билан таъминланади ва таълим сифати ошади.

Сноски / Иқтибослар / References:

1. Ўз. Респ. Президентининг 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5313-сонли Фармон
2. Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5812-сон Фармони
3. Муслимов Н.А. ва бош. Инновацион таълим технологиялари- Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015 й.
4. Ўз.Респ. Президентининг 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5313-сонли Фармони.
5. Хўжакулов С. Таълимни модернизациялаш шароитида дарс бериш сифатини такомиллаштириш. Тошкент 2015 й.
6. Холмухамедов М. “Юқори технологиялар сари интилган мамлакат”.
Спутник Ўзбекистон мухбирига берган интервьюси, 2018 й.
7. Ўзбекистон 11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, профессионал таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сонли қарори.
8. Рўзиева Д. ва бош.Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши, Мет.қўлл. – Т.: ТДПУ, 2013 й.
9. www.gov.uz.
10. www.lex.uz.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Karimova Charos Abduxalim qizi

Jizzax davlat pedagogika instituti magistranti
bcharos2020@gmail.com

Avazov Zahridin Fayzulla o'g'li


Jizzax davlat pedagogika instituti magistranti
zaxriddinjon91@gmail.com

Abdiyev Bekzod Alijon o'g'li

Jizzax davlat pedagogika instituti magistranti
bekzodjon0816@mail.ru

MOBIL TEXNOLOGIYALARIGA ASOSLANGAN ELEKTRON TA'LIM RESURLARINING AFZALLIKLARI

For citation: Ch.A. Karimova., Z.F. Avazov., B.A. Abdiyev. Advantages of electronic education resources based on mobile technologies. Journal of innovations in pedagogy and psychology, 2020, Special Issue 4, pp. 68-73

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-SI-4-12>

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada mobil texnologiyalariga asoslangan elektron ta'lim resurslarining afzalliklari haqida keng ma'lumot keltirilgan bo'lib, mobil ta'lim, mobil ta'limning imkoniyatlari, qulayliklari yoritilgan. Jahon tendensiyalari tahlili ta'lim jarayonida turli pedagogik vazifalarni hal etish uchun mobil texnologiyalardan foydalanishning ulkan hayotiy ahamiyatga ega ekanligini namoyish etmoqda. Shuningdek, maqolada mobil texnologiyalariga asoslangan elektron ta'lim resurslarini yaratish texnologiyasi, mobil kitoblarni yaratuvchi dasturlar, Yu.Shishkovskayaning mobil qurilmalardan ta'lim maqsadlarida foydalanishning bir necha yo'llari ham keltirilgan.

Kalit so'zlar: Mobil ta'lim, mobil qurilmalar, mobil texnologiyalar, Axborot kommunikatsiya texnologiyalri, dars jarayoni, bilim, ko'nikma, ta'limiy maqsadlar, sayt, resurs, multimedia vositalari, smatfon, planshet.

Каримова Чарос Абдухалимовна

магистрант Джизакского государственного
педагогического института
bcharos2020@gmail.com

Авазов Захриддин Файзуллаевич

магистрант Джизакского государственного
педагогического института
zaxriddinjon91@gmail.com

Абдиев Бекзод Алижонович
магистрант Джизакского государственного
педагогического института
bekzodjon0816@mail.ru

ПРЕИМУЩЕСТВА ЭЛЕКТРОННЫХ РЕСУРСОВ ОБРАЗОВАНИЯ НА ОСНОВЕ МОБИЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

АННОТАЦИЯ

В этой статье представлена обширная информация о преимуществах ресурсов электронного обучения на основе мобильных технологий, а также освещены возможности и удобства мобильного обучения, мобильного обучения. Анализ мировых тенденций показывает жизненно важную роль использования мобильных технологий при решении различных педагогических задач в образовательном процессе. В статье также рассмотрены технологии создания электронных обучающих ресурсов на основе мобильных технологий, приложения для создания мобильных книг, а также несколько способов использования Ю. Шишковой мобильных устройств в образовательных целях.

Ключевые слова: Мобильное образование, мобильные устройства, мобильные технологии, Информационные и коммуникационные технологии, процесс урока, знания, навыки, образовательные цели, сайт, ресурс, мультимедийные инструменты, смартфон, планшет.

Karimova Charos Abdukhalimovna
Master of Jizzakh State Pedagogical Institute
bcharos2020@gmail.com

Avazov Zahriddin Fayzullaevich
Jizzax davlat pedagogika instituti magistranti
zaxriddinjon91@gmail.com

Abdiyev Bekzod Alijonovich
Jizzax davlat pedagogika instituti magistranti
bekzodjon0816@mail.ru

ADVANTAGES OF ELECTRONIC EDUCATION RESOURCES BASED ON MOBILE TECHNOLOGIES

ANNOTATION

This article provides extensive information on the advantages of e-learning resources based on mobile technologies, and highlights the possibilities and conveniences of mobile learning. The analysis of world trends shows the vital importance of the use of mobile technologies in solving various pedagogical tasks in the educational process. The article also discusses the technology of creating e-learning resources based on mobile technologies, applications for creating mobile books, and several ways by Yu. Shishkovskaya to use mobile devices for educational purposes.

Keywords: Mobile education, mobile devices, mobile technologies, Information and communication technologies, lesson process, knowledge, skills, educational goals, site, resource, multimedia tools, smartphone, tablet.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev Oliy Majlisga murojatida taraqqiyotga erishish uchun raqamli bilimlar va zamonaviy axborot texnologiyalarini egallashimiz zarur va shart ekanligini ta'kidlagan edi. Zamonaviy bilim va ko'nikmalarga ega, mamlakatning munosib kelajagi uchun javobgarlikni o'z zimmasiga ola biladigan barkamol, maqsadga intiluvchan va serg'ayrat yoshlarni tarbiyalash mamlakatni barqaror va ildam rivojlantirishning eng muhim shartidir.

Bugungi kunga kelib ilm – fan, texnika va texnologiya sohalarining mavjud taraqqiyoti zamonaviy jamiyat qiyofasini belgilab bermoqda. Zamonaviy jamiyatning eng muhim xarakterli jihati uning barcha sohalarida globallashuvning ko'zga tashlanayotganligidadir. Globallashuv o'z – o'zidan tezkor harakatlanish, zarur axborotlarni zudlik bilan qo'lga kiritish, ularni qayta ishlash va

amaliyotga samarali tadbqiq etishni taqozo etadi. Bu tarzda harakatlanish imkoniyatiga o'z sohasining bilimdoni

bo'lgan, kasbiy malakalarni yuqori darajada egallay olgan, shuningdek, global Internet tarmog'ida mavjud ko'p hajmli axborot oqimidan zaruriy ma'lumotlarni ajrata olish, ilmiy yangiliklarni tezda o'zlashtira olish qobiliyati, boy tajriba va mahoratiga ega bo'lgan kadrlargina ega bo'ladilar.

So'nggi yillarda mobil qurilmalar va mobil ta'lim resurslaridan foydalanish nazariyasi va amaliyoti masalalari turli ilmiy tadbirlarda faol muhokama qilinmoqda.

Jahon tendensiyalari tahlili ta'lim jarayonida turli pedagogik vazifalarni hal etish uchun mobil texnologiyalardan foydalanishning ulkan hayotiy ahamiyatga ega ekanligini namoyish etmoqda. Mobil ta'lim deganda, mobil qurilmalar orqali ta'limni rejalashtirish va amalga oshirish nazarda tutiladi.

Mobil ta'lim (M-learning) atamasi bundan o'n besh yillar oldin ingliz tilidagi pedagogik adbiyotlarda, hozirgi kunda esa bizningmamlakatimizda ham bu atama foydalana boshladi. Mobil ta'lim (m-ta'lim) mobil va portativ qurilmalardan foydalanib, o'qishni va ta'limni tashkillashtirish imkonini beradi.

Mobil qurilmalar yordamida nazariy va amaliy ta'lim berishga mo'ljallangan xorijdagi yirik loyihalardan quyidagilarni aloxida takidlash joiz:

“Mobil ta'lim tizimi” (The Mobile Learning Network Project-MoLenet) (Buyuk Britaniya), “Mobil ta'lim muhiti” (Mobile Learning Environment Project- the MoLe) (AQSH), “Butun hayot davomida ta'limda mobil texnologiyalar” (Mobile Technologies in Lifelong Learning: best practices-MOTILL)(Yevropa ittifoqi), “Mobil ta'lim konsorsiumi” (Mlearning Consortium) (Kanada).

Mobil ta'limga quyidagicha ta'riflar berilgan:

Mobil ta'lim - bu ixcham, ko'chma, mobil qurilmalar va texnologiyalar orqali muntazam ravishda olib boriladigan faoliyat bo'lib, ta'lim oluvchilarga axborot olish yoki yaratish, muloqot qilish orqali ta'lim jarayonini yanada samarali bo'lishiga imkon beradi.

Mobil ta'lim - bu har qanday formatdagi ma'lumotlarni shaxsiy mobil qurilmalarga qabul qilib olish yoki taqdim etish imkoniyatidir.

Mobil ta'lim – bu vaqt va makondan qat'iy nazar mobil texnologiyalar orqali ta'lim olish imkoniyatidir.

Mobil ta'lim olish amaliyotining kundan – kunga ommalashuvi va rivojlanib borishi uning qator quyidagi o'ziga xosliklarga egaligida desak, xato qilmaymiz:

➤ Mobil ta'limda makon va vaqt tushunchalarining ahamiyati yo'q. Ya'ni mobil ta'lim bu – mobil qurilmalari orqali istalgan joyda va istalgan vaqtda ta'lim olish imkoniyatidir.

➤ Mobil texnologiyalaridan ta'limiy maqsadlarda foydalanish talabalarning o'quv motivatsiyasini oshiruvchi noyob vosita hisoblanadi.

➤ Mobil ta'lim – bu o'quv materiallarini kichik ekranlar ichiga shunchaki joylashtirish emas, balki innovatsion ta'lim shakllari va usullarini joriy etish yo'lidir.

➤ Mobil ta'lim o'zida geymifikatsiya elementlarini mujassamlashtiradi.

➤ Mobil ta'lim jarayoni ishtirokchilari o'rtasida axborotlarning almashinuvi jadal tarzda kechadi.

➤ Mobil qurilmalarning moslashuvchanligi ta'lim oluvchilarning har biriga individual yondashuvni saqlab qolgan holda, bir vaqtning o'zida ko'p sonli ta'lim oluvchilarning bilim darajasi va materiallarni o'zlashtirish ko'rsatkichlarini monitoring qilish imkoniyatini taqdim etadi.

➤ Mobil ta'lim multimediyali xilma – xillikdagi o'quv materiallarini jamlaydi va vizual tarzda taqdim etadi.



➤ Mobil ta'lim professional va AKT sohasida ko'nikmalarni rivojlantirish va malaka oshirishning noyob vositasi hisoblanadi.

O'qituvchi ta'limning an'anaviy kunduzgi shaklidagi dars mashg'ulotlarini loyihalashtirishda mobil texnologiyalardan foydalanish jarayoniga turlicha yondashishi mumkin. O'quv jarayonida mobil qurilmalardan foydalanish usullarini quyidagicha guruhlashtirishgan:

- Multimediyali o'quv – web resurslar (audio fayllar, videofilmlar, grafika, xarita va tasvirlar)ni namoyish etish uchun;
- O'quv saytlari, resurslar, ma'lumotnomalar, lug'atlarga tezkor kirishni ta'minlash;
- Ta'lim jarayonidagi muloqotni ta'minlash uchun (SMS xabarlar, twitter, telegram, web seminarlar va boshqalar).

Yu.Shishkovskaya mobil qurilmalardan ta'lim maqsadlarida foydalanishning bir necha yo'li haqida gapirganda quyidagilarni sanab o'tgan:

Birinchidan, mustaqil ta'lim olish. Mobil ta'lim texnologiyalari asosida quyidagi umumpedagogik tamoyillar: materiallardan foydalanishning qulayligi va soddaligi, interaktivlik hamda o'z o'zini boshqarish va o'zini o'zi baholash imkonini beruvchi maxsus ilovalar yotganligi uchun mustaqil ta'lim olish imkoniyati yaratiladi.

Ikkinchidan, m-learning g'oyalari maktablarda, shuningdek, oliy ta'lim muassasalarida an'anaviy o'quv jarayonida ham birdek qo'llanilishi mumkin.

Uchinchidan, mobil ta'lim masofaviy yoki korporativ o'quv kurslariga samarali to'ldiruvchi vazifasini o'tashi mumkin.

Ta'lim jarayoniga mobil texnologiyalarni joriy etish quyidagi qator afzalliklarga ega:

- Ixtiyoriy vaqtda, ixtiyoriy joyda o'qish, o'rganish mumkin (Mobillik);
- O'quv materiallarni turli ko'rinishda, audio, video, rasm, grafika kabi multimedik imkoniyatlarga to'la vizual tarzda taqdim etish imkoniyati (Multimediyali);
- Mobil ta'lim ko'pincha o'yin shaklida amalga oshiriladi (Geymifikatsion xarakterga egaligi);
- Ishtirok etishni nazorat qilish imkoniyatining mavjudligi (Ishtirokni monitoring qilish);
- Ta'lim jarayonining ruhlantiruvchi(motivatsion) xarakterga egaligi;
- Ta'lim oluvchilarning bilim darajasini bir xil nazorat qilish;
- O'quv jarayoni ishtirokchilari o'rtasida axborot almashinuvini jadallashtirish;
- Ta'lim oluvchilarning shaxsiy psixologik va fiziologik xususiyatlaridan kelib chiqib, individual yondashishda mobil qurilmalarning moslashuvchanligi (Individual yondashuv).



Bundan tashqari:

- og'ir kitoblarni o'zingiz bilan olib yurishga hojat qolmaydi. Barcha zarur darsliklar, kitoblar va qo'llanmalar istalgan vaqtda qo'lingizda bo'ladi;
- mobil kitoblar yo'qolib qolmaydi, yirtilmaydi va eskirmaydi;
- mobil darsliklar foydalanish uchun juda qulay bo'lib, ulardan foydalanganda sozlamalarni o'zingizga mos holda o'rnatishingiz mumkin, ya'ni matnni kattaroq shriftda ko'rish, rasmlarni kattalashtirish, kerakli joylarda xatcho'plar o'rnatish, mutolaani kelgan joydan davom ettirish va hokazolar;
- mobil darslik va o'quv qo'llanmalar mavzuni mustaqil o'rganish va bilimlarni mustahkamlashda ko'maklashish kabi imkoniyatlari bor.

Bu turdagi mobil kitoblarni yaratib beruvchi texnologiyalar sifatida quyidagilarni sanab o'tish mumkin:

- Android Book App Maker;

- Flip PDF Professional;
- Book Creator;
- «Go Dev» guruhi tomonidan taqdim etiluvchi onlayn servis <http://www.goforandroid.com/ebook/> va h.k.

Mobil ta'lim uchun quyidagi mobil aloqa muhiti va qurilmalaridan foydalanish mumkin:

- Smartfonlar, ayfonlar, planshetlar;
- mp4 playerlar, Netkitoblar, GPS-navigаторlar va h.k;
- Portativ kompyuterlar (noutbuklar, netbuklar).

Xulosa qilib aytganda, an'anaviy ta'lim amaliyotchilari tomonidan ta'lim jarayonida smartfon, planshet va shu kabi mobil qurilmalardan foydalanish ta'lim oluvchilarning muvaffaqiyatlariga salbiy ta'sir ko'rsatishi, ularning diqqat e'tiborini darsdan butunlay chalg'itishi haqida ko'p bora ta'kidlangan. Lekin XXI asrga kelib, aksincha, texnologiyaning o'sib borishi va rivojlanishi o'qituvchilarga qachonlardir chalg'ituvchi deya talqin qilingan qurilmalarning afzalliklaridan foydalanib, yangi va innovatsion uslubda ilmiy yutuqlarga erishishdek noyob imkoniyatni taqdim etadi.

Shu o'rinda aytish joizki, endilikda, o'qituvchilar ta'lim oluvchilarning e'tiborini jalb qilish uchun doimo kurashishlariga to'g'ri kelmaydi, ta'lim jarayonida mobil texnologiyalardan foydalanish orqali, ularning ishtirokini avtomatik ravishda rag'batlantiradigan, ta'lim olishga va har doim o'z ustida ishlashga undovchi yangi ta'lim muhiti yaratiladi.

Ko'pchilik amaliyotchilar va soha mutaxassisleri kelgusida mobil ta'limning ta'lim-tarbiya sohasida yangi standartga aylanishiga, trend darajasiga ko'tarilishiga ishonishmoqda.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, mobil texnologiyalarga asoslangan o'quv resurlaridan foydalanish o'quv jarayonini yanada samarali tashkil qilish, mobil texnologiyalardan unumli foydalanish va eng asosiysi o'quvchining fanga bo'lgan qiziqishini orttirib, fanni yanada chuqurroq o'zlashtirib, o'zini-o'zi va hattoki ota-onalar farzandining fanni o'zlashtirish darajasini nazorat qilish imkonini beradi.

Сноски / Иқтибослар / References:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Oliy ta'lim muassasalarida ta'lim sifatini oshirish va ularning mamlakatda amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlarda faol ishtirokini ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora tadbirlar to'g'risida»gi PQ-3775-son Qarori, Toshkent, 2018-yil 5-iyun.
2. Yuldashev U., Saidova M. "Ta'limda axborot texnologiyalari muhiti va o'quv muassasalarining yordamchi o'quv bo'g'inlari", Toshkent, 2003, 4-son.
3. Muslimov N., Umarov X., Turakulova A. va boshqalar "Kasb ta'limi o'qituvchisining axborot olish kompetentligini shakllantirish texnologiyasi", metodik qo'llanma, - T.: 2014 yil.
4. Цой О.В. Мобильные технологии в образовании. [Электронный ресурс]. <https://goo.gl/uC1jvv>.
5. Саттаров А. Мобил технологияларни олий таълим муассасалари ўқув жараёнида қўллаш // ЎзМУ хабарлари. – 2019. – № 1/2. – С. 143-148.
6. Тангиров Х.Э. Методические особенности использования электронных учебных комплексов на уроке математики в школе // Молодой ученый. — Чита: — 2012. — №5 (40). — С. 510-514.
7. Тангиров Х.Э. Электронные средства обучения как компонент информатизации образования //Инновационные педагогические технологии. – 2014. – С. 335-337.
8. Тангиров Х.Э., Маматкулова У.Э. Использование электронных образовательных ресурсов в индивидуализации учебного процессе // «Инновационные подходы в современной науке» сб. ст. по материалам LX междунар. науч.-практ. конф. – № 24 (60). – М., Изд. «Интернаука», 2019. – С. 72-76 с.

9. Тангиров Х.Э., Саттаров А.Р., Хаитова Н.Ф. Использование электронных образовательных ресурсов при индивидуализации обучения математике // Молодой ученый. — 2020. — № 21 (311). — С. 723-726.
10. Botirovich, B.D., Ergashevich, T.K., Eshmirzayevna, M.U., Kholboyevich, A.S., Fayzullayevna, K.N., & Mukhiddinovna, A.U. (2020). The importance of teaching algorithms and programming languages in the creation of electronic education resources. *Journal of Critical Reviews*, 7(11), 365-368.
11. Raelovich S. A. et al. SOME DIDACTIC OPPORTUNITIES OF APPLICATION OF MOBILE TECHNOLOGIES FOR IMPROVEMENT IN THE EDUCATIONAL PROCESS // *Journal of Critical Reviews*. – 2020. – Т. 7. – №. 11. – С. 348-352.
12. Sattarov A.R., Khaitova N.F. Mobile learning as new forms and methods of increasing the effectiveness of education. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*. Vol. 7 No. 12, 2019. 1169-1175 p.
13. Tangirov Kh. E. The use of electronic educational resources for individualization in the process of teaching algebra in schools // *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*. Progressive Academic Publishing, UK. 2019, Vol. 7, No. 3, - pp. 43-48.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Ходиев Рустамжон Хамдамович,


Подполковник

Харбий-техник институти

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси

МУСТАҚИЛ ТАЙЁРГАРЛИК МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ КУРСАНТЛАР БИЛИМИНИ МУСТАҲКАМЛАШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

For citation: R.X.Xodiev. The role and importance of self - study in consolidating cadets' knowledge. Journal of innovations in pedagogy and psychology, 2020, Special Issue 4, pp.74-79

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-SI-4-13>

АННОТАЦИЯ

Курсантлар томонидан бажариладиган мустақил тайёргарлик муайян фан ўқув дастурида белгиланган бўлиб таълим олувчилар томонидан фан миқёсида ўз билимларини оширишга ҳамда, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантиришга амалий ёрдам беради. Шунингдек, ўқитувчи маслаҳати ва тавсиялари асосида аудиторияларда ва аудиториялардан ташқарида бажариладиган вазифалар курсантлар томонидан олинган билимларни мустаҳкамлашга ва мукаммаллаштиришга ёрдам беради. Мазкур мақолада ҳарбий таълим соҳасида курсантларнинг мустақил тайёргарлик соатларида олаётган билим ва малакалари атрофлича баён этилиб, юксак талабларга жавоб берадиган юқори малакали ҳарбий кадрларни тайёрлашда ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

Таянч иборалар: мустақил тайёргарлик, амалий машғулот, ҳарбий таълим, метод, ҳарбий мажбурият ва ҳарбий интизом.

Ходиев Рустамжон Хамдамович,

подполковник

Военно-технический институт

Национальная гвардия Республики Узбекистан

ЗНАЧЕНИЕ И РОЛЬ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ В ЗАКРЕПЛЕНИИ ЗНАНИЙ КУРСАНТОВ

АННОТАЦИЯ

Самостоятельная подготовка курсантов определяется в учебном плане по определённому предмету и оказывает практическую помощь учащимся в повышении их знаний, а также в формировании и развитии навыков и умений в рамках изучаемой дисциплины. Также задания, выполняемые в аудиториях и вне аудиторий рекомендованные преподавателями по определенной дисциплине, помогут закрепить и усовершенствовать знания, полученные курсантами. В данной статье подробно описаны какие знания и навыки курсанты могут приобрести в области военного образования в часы самостоятельной подготовки, а также

освещены особенности подготовки высококвалифицированных военных кадров, отвечающих высоким требованиям.

Ключевые слова: самостоятельная подготовка, практическое занятие, метод, военное образование, военные обязанности и военная дисциплина.

Xodiev Rustamjon Xamdamovich,
lieutenant colonel
Military Technical Institute
National Guard of the Republic of Uzbekistan

THE ROLE AND IMPORTANCE OF SELF - STUDY IN CONSOLIDATING CADETS' KNOWLEDGE

ANNOTATION

Self-study of cadets is given in the syllabus for a specific subject and provides practical assistance to cadets in improving their knowledge, as well as in the formation and development of skills and knowledge within the framework of the discipline being studied. Also, the tasks performed inside the classrooms and outside the classrooms recommended by teachers of a particular discipline help to consolidate and improve the knowledge gained by the cadets. This article describes in detail what knowledge and skills cadets can acquire in the field of military education during the hours of self-study and also highlights the features of training highly qualified military personnel that meet high requirements.

Keywords: self-study, practical lesson, method, military education, military duties and military discipline.

Хар қандай ўқув фани бўйича билимларни ўзлаштиришда мустақил ўқув фаолияти муҳим ҳисобланиб, билимларни мустақил ўзлаштириш бугунги куннинг энг долзарб вазифасига айланиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан олганда мамлакатимизда ўтган давр мобайнида таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, таълим олаётган ёшларимизнинг жаҳон андозаларига мос равишда билим олиши, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш, қобилият ҳамда иқтидорини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Таълим олувчиларга юқори даражаги билимни ўқув аудиториясидаги машғулотлар тўлиқ қамрай олмайди, буни амалга оширишда мустақил ўқув фаолияти тўлдирувчи ва ривожлантирувчи вазифасини бажаради.

Шу ўринда мустақил таълим тушунчасига изоҳ бериб ўтадиган бўлсак, **мустақил таълим** – олинган билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, кўшимча маълумот ёки материални мустақил ўрганиш мақсадидаги ўқув шаклидир[1].

Мустақил фаолият муайян фандан ўқув дастурида белгиланган ҳамда таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни амалга оширишга, ўқитувчи маслаҳати ва тавсиялари асосида аудиторияларда ёки аудиториялардан ташқарида бажариладиган вазифалар орқали олинган билимларни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб, мустақил иш турлари бўйича топшириқлар ишлаб чиқилади.

Маълумки, республикаимизнинг барча олий таълим муассасаларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида ўқитиладиган барча фанлардан ҳам мутақил тайёргарлик дарсларини олиб борилишига катта аҳамият берилади.

Ҳарбий-техник институтида курсантлар бўлғуси офицер сифатида мукаммал ҳукукий билимларга эга бўлишлари талаб этилади. Чунки бўлғуси офицер – тарбиячи, раҳбар, ташкилотчи шахс ҳисобланади. Курсантлар Ҳарбий-техник институтида таълим олишлари мобайнида фанлардан қуйидаги ўқув шаклларида билим олишади: маъруза, мунозара,

амалий машғулот, гуруҳ машғулотлари, мустақил таълим ва ҳоказолар. Ушбу фанлардан олинган билимларни мустаҳкамловчи жараён – бу мустақил таълим дарслари ҳисобланади.

Маъруза ва мунозара машғулотларида курсантларга ўқитилаётган барча фанлардан мавжуд бўлган билимларни, маълумотларни профессор-ўқитувчилар томонидан етказиб беришнинг имкони йўқ. Ўқув дастурларида кўрсатилган барча мавзуларни моҳиятини чуқурроқ билишга ёрдам берадиган жараён эса, шубҳасиз мустақил тайёргарлик дарслари ҳисобланади. Ҳарбий-техник институтида маъруза, мунозара, амалий машғулот дарсларида эгаллашга улгурмаган билимларини курсантлар мустақил тайёргарлик машғулотларида махсус адабиётлардан, қўшимча адабиётлардан фойдаланган ҳолда оладилар ва бу орқали улар ўзларини билимларини бойитиб борадилар. Мустақил тайёргарлик жараёнида курсантлар адабиётлардан, маъруза фондларидан фойдаланишни эмас, балки ўша манбалардан тўғри фойдаланишни билишлариларимиз. Бунда эса, уларга профессор-ўқитувчилар томонидан бериладиган кўрсатмалар ёрдам беради.

Бугунги кунга келиб Ҳарбий-техник институти курсантларининг ўқув машғулотларида мустақил тайёрланишлари учун барча замонавий шарт-шароитлар яратилиши учун Миллий гвардия қўмондонлиги ва институт раҳабрияси томонидан кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Институтда ўқитиладиган барча фанлар бўйича курсантларнинг мустақил тайёрланишлари учун ўқув адабиётлар, дарсликлар, электрон дарсликлар, видео – машғулотлар, ўқув қўлланмалар, масала ва машқлар тўпламлари давлат тилида етарли даражада етук малакали Институт профессор-ўқитувчилари томонидан нашрдан чиқарилган ва бугунги кунда барча курсантлар мустақил тайёргарлик жараёнида ушбу манбалар орқали ўзларини устида ишлашмоқда. Мустақил тайёргарлик дарсларининг тўғри ташкил этилиши ўқув жараёнини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш бўлими, бўлинма командирлари томонидан назорат қилинади, бу эса уларнинг ўқув дастуридаги мавзулар устида тўлиқ ишлашлари учун имкон беради.

Курсантларнинг мустақил тайёргарлиги ва уни олиб бориш ҳақидаги муаммолар ўтган асрнинг 70-йиларида педагог, психолог, социологларнинг ўрганиш объектига айланган эди, лекин бугунги кунга келиб, курсантларни мустақил тайёргарликлари муаммо сифатида Республикамиз педагог-психолог олимлари томонидан диссертация тадқиқоти даражасида ўрганилмаяпти. Бизнингча, ўрганилганлари ҳам рисола шаклида ва моҳияти анча эскирган.

Курсантларда мустақил тайёргарлик машғулотларини олиб борилиши бўйича олимлар томонидан турлича изоҳлар берилган. Масалан, Россиялик олим Ю.А.Нустов мустақил тайёргарликка қуйидагича таъриф берган: “Мустақил тайёргарлик фаолияти бу – яъни ўқув жараёнида педагогларсиз ва уларнинг ёрдамисиз курсантлар ўзлари устида ишлашни амалга оширишидир[2].

Профессор А.А.Порошинан эса: “кўпчилик курсантларда ўзини устида ишлаш малакалари, қўникмалари ва тизими мавжуд эмас экан, мустақил тайёргарлик курсантларнинг ўзини устида ақлий ишлашига ёрдам берадиган жараёни ҳисобланади” [3]. дейди.

Ҳарбий педагогика фанининг ривожланишига ўз хиссасини қўшган олимлардан А.Барабанщиков, Б.П.Корочкинлар мустақил тайёргарликни курсантларни чуқур билим олишини таъминловчи асосий ва бош ғоя” [4]. деб қарашган. Бизнингча бу фикрга биз қўшила олмаймиз. Чунки курсантлар маърузада, шунингдек дарс жараёнларида ололмаган билимлари, мустақил тайёргарлик дарсларида тўлдирилиб, бойитилиб борилади.

Бошқача қилиб айтганда, асосий билимни курсантлар дарс жараёнида олишса, мустақил тайёргарлик жараён сифатида курсантларни нафақат билимини тўлдиради шунингдек, билимларини шакллантиришга, бойитишга ёрдам беради.

Мустақил тайёргарликнинг ўзи курсантлар учун ақлий жиҳатдан ривожланишига ёрдам беради ва бунга исботнинг ҳожати йўқ. Буни тадқиқотимиз натижалари орқали исботлаганмиз. Бугунги кунга келиб ҳарбий педагогика ва психология фанларидан мустақил тайёргарликни ташкил этилишининг ўзига хослигини қуйдагиларда кўришимиз мумкин бўлади. Яъни:

курсантларда касбий жихатдан ривожланишнинг юзага келтириш;
бошқарув ва мустақил қарор қабул қилишга ўргатиш;
педагогик бошқарув маҳоратини шакиллантириш ва ҳоказолар.

Мустақил тайёргарликнинг мазмунли бўлиши бизнингча беш асосий босқични ўз ичига олади. Булар: энг аввало фаннинг асосий дастури ва режаси билан ташиб чиқиш; ўз устида ишлаш; ўз дунёқарабини ривожлантириш; ўзининг фаолиятини назорат қилиш ва зарур вақтларда профессор ўқитувчилар томонидан мустақил тайёргарликни назоратини амалга ошириш.

зарур вақтларда профессор-ўқитувчиларнинг ёрдамларидан фойдаланиш.

Курсантларнинг мустақил тайёргарлик натижалари қачон ва қайси шаклларда намоён бўлади? Энг аввало: касбий билимларига эга бўлганда (охирги ўқув курсларда, малака ва кўникмалар шаклланган касбий маданиятнинг таркибий қисмларига эга бўлганда ҳуқуқий, этик, эстетик, коммуникативлик, ижодий, экологик).

Ҳарбий олий ўқув юртларида курсантлар мустақил иши учун уч академик соат ажиратилади. Куннинг иккинчи яримида уч соат вақт ичида курсантлар кутубхоналарда (махсус кутубхоналарда) кафедраларда, интернет синфларда ишлашга улгуришлари керак. Ҳарбий олий ўқув юртларини тугатган офицерлар ўқув даврида мустақил ишламаса, амалиёт ўтамаса ҳарбий амалий фаолиятида қийинчиликларга дуч келиши мумкин.

Бугунги замон шиддат билан ўзгариб бораётганда, ҳар қандай билим тезда эскириб бормоқда, айниқса ҳарбий-техника соҳасидаги билимлар. Ҳарбий олий ўқув юртларини тугатган мутахассис кадрларда беш йилдан кейин олий ўқув юртларда олинган билимлар замон талабларига жавоб бера олмасдан қолар экан. Фақат мустақил иш ва мустақил тайёргарлик вақтида курсантлар томонидан олинган билимларнинг ҳажми кўп ва кенгрок, натижада ушбу билимлар малака ва кўникмага айланади.

Мустақил тайёргарликнинг асосий мақсади курсантларни ўрганаётган, ҳал қилмоқчи бўлган муаммоларнинг моҳиятини чуқур билиш тўғри хулоса чиқаришдан иборатдир. Мустақил тайёргарликнинг асосини англашга, таҳлилий синтетик фаолиятга эга бўлиш.

Ҳарбий-педагогик, психологик адабиётларни илмий таҳлили шуни кўрсатадики курсантларни мустақил тайёргарлиги бу кенг тушунча ва серқирра бўлиб ўзига ижтимоий, дидактик, психологик тарбиявий жихатларни қамраб олади ва ўқиш жараёнининг бир бўлаги ва асоси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида Мустақил тайёргарлик соатларига янги ишлаб чиқилган ўқув-режаларига асосан 40% дан 70%га оширилди ҳамда янги Ковалерия тайёргарлиги, Юридик тайёргарлик каби фанлар мустақил тайёргарлик соатларида ўқитилмоқда. Ушбу ўзгартиришлар бўйича курсантларни чуқурлаштирилган ва касбга йўналтирилган ҳолда ўқитиш, маънавий баркамол ҳарбий хизматчини шакллантиришга, ҳарбийлик касбини обрў масъулияти ва бурчини ҳис этишга, ҳуқуқий, гуманитар ва иқтисодий тайёргарликка қўйилган вазифаларни самарали бажаришга қодир бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида гуманитар-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг улуши 20% дан 40% оширилди ва қуйдаги янги 14 та фанлар киритилди:

1. Замонавий ва диний ташкилотлар ва ҳаракатлар.
2. Ахборот-хавфсизлиги психологияси.
3. Ҳалқаро хавфсизлик ҳуқуқи.
4. Низоларни ҳал қилиш асослари.
5. Экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари.
6. Ҳалқаро ташкилотлар.
7. Конфликтология.
8. Ахборот хавфсизлиги.
9. Терроризм, терроризмга қарши таъсир.
10. Терроризм билан курашиш техник воситалари.
11. Геосийёсат.

12. Ахборот-таҳлилий фаолият асослари.

13. Халқаро муносабатлар таҳлили.

14. Ҳарбий педагогика ва психология.

Шунингдек, ўқув режаларида хорижий тилларни ўрганиш бўйича давлатимиз томонидан қўйилаётган талабларни бажариш мақсадида ўқув режаларда рус тили фанининг ўқув соатлари 72 соатдан 144 соатгача кўпайтирилди ҳамда ҳафтасига қўшимча (144 соат) факультатив машғулот ўтказиш режалаштирилган. Хорижий тилларнинг ўқув соатлари 252 соатдан 306 соатгача кўпайтирилиб, инглиз ва немис тилларидан ташқари араб ҳамда хитой тилларини ҳам ўқитиш режалаштирилиб, ҳафтасига 2 соатдан қўшимча (288 соат) факультатив машғулот ўтказиш кўзда тутилган. Курсантларни жисмоний чиниктириш, тезкорлигини ошириш мақсадида ўқув режаларидаги жисмоний тайёргарлик фанининг ўқув соатлари 180 соатгача оширилди.

Ушбу фанларнинг мавзуларини, моҳиятини курсантлар тўла ўрганишлари учун албатта мустақил тайёргарлик, мустақил иш вақтлари муҳим аҳамият касб этади. Мустақил тайёргарлик узлуксиз таълимга хизмат қилади.

Ҳарбий-техник институтнинг умуман олганда, ҳар бир ҳарбий олий ўқув юртларининг асосий мақсади ва функцияси фақатгина турли билимлар мажмуасини, йиғиндисини курсантларга бериш эмас, аксинча, ҳар бир курсантни ўзини устида ишлашга, мустақил ишни, тайёргарликни, мустақил таълимни моҳиятини, мазмунини ўргатишдан иборат.

Мустақил тайёргарликнинг моҳияти ҳар бир курсантни ўз устида ишлаши, ўз фаолияти бошқариш, шунингдек, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга сола олишга ўргатишдан иборатдир.

Хулоса қилиб айтганда, мустақил тайёргарлик соатларида курсантлар асосий эътиборларини нафақат назарияни чуқурроқ ўрганишга, балки тажриба-синов ишларини ҳам олиб боришга, ўтказишга, назарий билимларини тажриба-синов ишларида қўллаб кўришга, олинган натижаларни таҳлил қилишга қаратадилар. Бундай тажриба-синов ишлари назарий билимларни чуқурлаштиришга ҳам хизмат қилади.

Шунингдек, педагогик тажриба-синов ишларининг натижаси кўра, мустақил тайёргарлик машғулотларида курсантлар ўзаро бир-бирлари билан эркин мулоқот ва эркин ҳаракатда бўлиш, тажриба-синов ишларини жамоа, гуруҳ бўлиб ташкил этиш ларига имконият яратилади.

Сноски / Иқтибослар / References:

1. Хасанбоев Ж, Тўрақулов Х ва бошқ. Педагогика фандан изохли луғат. –Т.: “Фан ва технологиялар” 2009.
2. Парошина А.А. Педагогическая система формирования у юристов военно-учебных заведений готовности к активной самостоятельной работе дис. Ком. Пед наук Саратов 2000
3. Нустов Ю.А. Преемственность в системе подготовки технических специалистов Саратов .1982
4. Барабанщиков А.В, Корочкин Б.П. Научно-педагогические основы повышения эффективности самостоятельной работы // Организация и методика самостоятельной работы студентов: Материалы Всероссийской научно-практической конференций М1977
5. Аужанова, Н. Б. Самостоятельная работа студентов в системе их методической подготовки // Педагогика и современность. – 2014. – Т. 2. – № 2. – С. 14–18.
6. Бражников, М. Ю. Некоторые методические и воспитательные особенности преподавания дисциплины «История государства и права зарубежных стран» у курсантов учебных заведений ФСИН России (на примере Кузбасского института ФСИН России // Вестник Кузбасского института ФСИН России. – 2014. – № 1 (18). – С. 127–132.

7. Давыденко, В. А. Самостоятельная работа студентов – важное направление в подготовке конкурентоспособных специалистов // Педагогическое образование и наука. – 2012. – № 6. – С. 70–73.
8. Дворцов, В. Б., Силенков, В. И. Научно-исследовательская работа курсантов как средство формирования профессиональных компетенций по обеспечению режима в пенитенциарных учреждениях // Вестник Владимирского юридического института. – 2014. – № 2 (31). – С. 78–81.
9. Калимуллин, Ф. М. Управление самостоятельной работой студентов как условие повышения качества их подготовки // Казанский педагогический журнал. – 2013. – № 1. – С. 39–43.
10. Костюкова, Т. А., Морозова, А. Л. Развитие иноязычной коммуникативной компетентности студентов неязыковых вузов: монография. – Томск: Изд-во Томского политехнического университета, 2011. – 119 с.
11. Маркова, Н. Г. Организация самостоятельной работы студентов в процессе их профессиональной подготовки // Образование и саморазвитие. – 2014. – № 1 (39). – С. 103–106.
12. Морозов, А. С. Конституционное (государственное) право России: учебное пособие. – Новокузнецк: ФКОУ ВПО Кузбасский институт ФСИН России, 2013. – 72 с.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Ходиев Рустамжон Хамдамович,


подполковник

Харбий-техник институти

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси

ҲАРБИЙ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ПЕДАГОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИ ОЛИБ БОРИШНИ ЎЗИГА ХОСЛИГИ: (Тажриба синов ишлари)

For citation: R.X. Xodiev. Peculiarities of conducting pedagogical research in higher military institutions: (Experimental work). Journal of innovations in pedagogy and psychology, 2020, Special Issue 4, pp. 80-84

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-SI-4-14>

АННОТАЦИЯ

Ҳарбий соҳадаги тажриба-синов ишларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш натижаларини амалиётга тадбиқ этиш ҳарбий педагогикадаги бир қатор муаммоларни тўғри ва аниқ ечишга хизмат қилади. Шунингдек, келажакда яна тадқиқотларни олиб боришга, мутахассисларни талаб даражасида, ўз соҳасини мукаммал биладиган профессионал қилиб тайёрлашга тўғридан-тўғри ўз хиссасини қўшади. Тажриба синов ишлари педагогика-психология фанларида курсантлар ва педагоглар ўртасида олиб борилади. Ушбу жараёнда курсантлар ҳам педагоглар ҳам тажриба-синов ишларининг қизғин объектига ва предметиға айланади. Тажриба-синов ишларидан олинган натижалар эса бевосита ўқув жараёнига тадбиқ этилиб унинг такомиллашишига олиб келади. Ушбу мақолада айнан мана шу каби синовлар натижасида ҳарбий таълим соҳасини, ҳарбий таркиб билан ишлаш ҳамда уларнинг хизмат фаолиятини, ўқув жараёнини янада самарали ташкиллаштириш мақсадида ўтказиладиган тажриба-синов ишлари ва уларни олиб боришнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

Таянч иборалар: ҳарбий таълим, тажриба-синов ишлари, ҳарбий психология ва педагогика.

Ходиев Рустамжон Хамдамович,

подполковник

Военно-технический институт

Национальная гвардия Республики Узбекистан

ОСОБЕННОСТИ ПРОВЕДЕНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ В ВОЕННЫХ ВУЗах: (Экспериментальная работа)

АННОТАЦИЯ

Организация и внедрение результатов экспериментальной работы в военной области служит решению ряда задач военной педагогики. Также, экспериментальные работы в данной области вносят вклад в проведении дополнительных исследований в будущем в сфере обучения специалистов необходимого уровня как профессионалов, прекрасно знающих свое дело. Экспериментальная работа проводится среди курсантов и преподавателей по

направлению педагогика и психология. В этом процессе как курсанты, так и преподаватели становятся объектом и предметом экспериментальной работы. Результаты экспериментальной работы непосредственно применяются в учебном процессе и приводят к его совершенствованию. В данной статье описываются экспериментальные работы, проводимые в области военного образования, работы с военнослужащими и организация их служебной деятельности, по результатам которых учебный процесс пересматривается для достижения более эффективных результатов.

Ключевые слова: военное образование, экспериментальная работа, военная психология и педагогика.

Xodiev Rustamjon Xamdamovich,
lieutenant colonel
Military Technical Institute
National Guard of the Republic of Uzbekistan

PECULIARITIES OF CONDUCTING PEDAGOGICAL RESEARCH IN HIGHER MILITARY INSTITUTIONS: (Experimental work)

ANNOTATION

The organization and implementation of the results of experimental work in the military field serves to solve a number of problems of military pedagogy. Also, experimental work in this area contributes to further research in the future in the field of training specialists of the required level as professionals who know their field very well. Experimental work is carried out among cadets and teachers in the direction of pedagogy and psychology. In this process, both cadets and teachers become the object and subject of experimental work. The results of experimental work are directly applied in the educational process and lead to its improvement. This article describes the experimental work carried out in the field of military education, work with military personnel and the organization of their service activities, based on the results of which the educational process is revised to achieve more effective results.

Key words: military education, experimental work, military psychology and pedagogy.

Ўзбекистон Республикаси эски маъмурий буйруқбозлик тизимидан воз кечиб ривожланган демократик давлатга ўтиши кўплаб педагогик тадқиқотларда ҳал бўлмаётган масалаларни ҳал қилди. Ўша ҳарбий олий ўқув юртларида педагогик тадқиқот муаммоларини ҳал қилишда илмий тадқиқот ишлари, тажриба ва синов ишларини олиб борилиши талаб қилинади. Тажриба-синов ишларини тўғри ташкил этиш орқали ҳарбий олий ўқув юртларида курсантларни ўқитилаётган фанлардан қайси бирларига эҳтиёжи кучли эканлиги аниқланади, фанларни ўқитишда саралаш ишларини олиб боради ва ўқув жараёнига янги педагогик технологияларни тадбиқ этади ва педагогик жараёнга тадбиқ этилади.

Ҳарбий олий ўқув юртларида педагогик тадқиқотларни олиб бориш орқали, ўқув жараёнига педагогик тадқиқотларнинг натижалари тадбиқ қилинади. Педагогик тадқиқотлар эса умумий тадқиқотларнинг бир бўлаги бўлиб психологик тадқиқотларга суянади. Бугунги кунда ҳарбий олий ўқув юртларимизда педагогик тажриба синов ишларини олиб борилишига педагогика соҳасидаги олимларимиз долзарб муаммо сифатида қарашмоқда ва унинг методологиясини такомиллаштиради. Педагогик тажриба синов ишлари педагогика фанининг амалий томонларини ўрганишда асосий жабҳа ҳисобланади.

Ҳарбий олий ўқув юртларининг барчаси ҳам бошқа олий фуқаролик ўқув юртлари сингари илмий тадқиқот ишларидан узоқлаша олмайди ва илмий тадқиқот ишлари фанни ривожланишига ўз хиссасини қўшишади.

2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти ташкил этилди ва ушбу институтнинг ўқув дастурлари тубдан ўзгартирилди, янги мутахассислик (йўналиш)лар ташкил этилди, дарслик, ўқув қўлланмалар институт

фаолияти мазмунига моҳиятига мослаб қайта ёзилди ва нашр этилди ва уларнинг деярли 90%га олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўқув адабиётларининг нашр рухсатномаси берилди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти раҳбариятининг бугунги кундаги асосий талаби, Олий Аттестация комиссиясининг педагогика, психология фанлари соҳасида олиб борилаётган ҳар қандай диссертация тадқиқот ишларида тажриба-синов ишлари ва унинг натижалари амалиётга тадбиқ этилиши талаб этилади.

Бугунги кунда ҳарбий педагогика соҳасида республикамызда санокли фан докторлари ва фан номзодлари мавжуд. Ҳарбий психология фани бўйича ҳам аҳвол ачинарлидир, яъни ҳарбий психология фани бўйича мутахассислар етишмайди, борларининг ҳам баъзавий маълумоти йўқ, фалсафачилар, уларни асосий қисмини социологлар, педагоглар ташкил этади.

Бугунги кунга келиб ҳарбий соҳада тажриба-синов ишларини олиб бора оладиган педагоглар, психологлар, ҳарбий мутахассисларни тайёрлаш ҳам давлатимиз сиёсатининг бир бўлаги ҳисобланади. Ушбу йўналишда борлари ҳам энди оёққа туриш босқичидадир.

Ҳарбий соҳадаги тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш натижаларини амалиётга тадбиқ этиш ҳарбий педагогикадаги баъзи бир муаммоларни тўғри ва аниқ ечишга хизмат қилади ва келажакда яна тадқиқотларни тўғри олиб боришга, мутахассисларни тўғри, профессионал қилиб тайёрлашга тўғридан-тўғри ўз ҳиссасини қўшиши ҳеч кимга сир эмас. Тажриба синов ишлари педагогика-психология фанларида курсантлар ва педагоглар ўртасида олиб борилади. Ушбу жараёнда курсантлар ҳам педагоглар ҳам тажриба-синов ишларининг қизғин объектига ва предметиға айланади. Тажриба-синов ишларидан олинган натижалар бевосита ўқув жараёнини такомиллаштириш тадбиқ этилади. Тажриба синов ишларини олиб боришда тадқиқотнинг ўзига ҳос методологиясини яратиш(ишлаб чиқиш) талаб қилинади.

Барчага маълумки ҳарбий психология ва педагогика фанларида тажриба-синов ишларини олиб боришда методология унинг юрагини ташкил этади. Фандаги назарияни тажриба-синов ишларини олиб бориш орқали тўғри ёки нотўғри эканлигини исботлайди. Ҳарбий педагогикада тажриба-синов ишларини тўғри ташкил этиш ва ўтказиш орқали курсантларни ўқитиш, тарбиялашда ижобий натижаға эришиши мумкин.

Педагогика соҳасидаги адабиётларни ва илмий манбааларни таҳлили шунинг кўрсатадики ҳарбий-педагогикада, психологияда тажриба-синов ишларини олиб бориш учун илмий тадқиқот ишларини олиб бориш марказларда тарбиявий бўлим, ўқув бўлими, психологик хизмат кўрсатиш маркази, саф қисм офицерлари психология ва педагогика кафедраси, жисмоний тайёргарлик кафедралари бевосита ва билвосита иштирок этишлари шарт. Чунки, ушбу бўлимлар, кафедралар бевосита курсантлар билан ишлашади. Курсантлар ўзларини тажриба синов ишларида бевосита иштирок этаётганлигини билмаслиги керак, акс ҳолда тажриба-синов ишларида сунийлик юзаға келади. Сунъийлик эса ҳеч бир вақт тажриба-синов ишларида ҳақиқий ҳолатни, вазиятни акс эттирмайди. Тажриба синов ишларининг вазифасидан, мақсадидан келиб чиқиб объектлар, предметлар, мақсадлар, вазифалар белгиланади. Ҳарбий-педагогик тажриба синов ишлари, ҳеч бир вақт ўзининг ўрганиш объекти, предмети, мақсади, вазифасидан узоқда бўла олмайди.

Ҳарбий педагогикада тадқиқот объекти бўлган тажриба-синов ишларини четлаб ўтиш мумкин эмас, предмети эса тажриба-синов ишлари орқали ҳарбий-педагогиканинг тадқиқотини самарасини кўтаришдир.

Ҳарбий педагогикада тажриба-синов ишлари амалиёт билан назариясини боғлайди ва бор ҳақиқатни аниқлашға хизмат қилади.

Тажриба-синов ишлари ҳеч бир вақт қўмондонликнинг қўллаб-қувватлашисиз самараға эриша олмайди. Чунки, таълимнинг ривожланишиға давлатнинг қўллаб-қувватлаши энг аввало муҳимдир.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизимида янги таълим сиёсати, таълимда модель яратилди, кўпгина чет эл экспертларининг фикрича ушбу моделлар жаҳон

стандартлари ва замон талабига жавоб бера олар экан. Ушбу модель, ушбу функция сўзсиз илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш натижаларини таҳлил қилишни талаб қилади.

Тажриба-синов ишларини ҳарбий-олий ўқув юртларда олиб бориш бу педагогик-психологик муаммо сифатида янада такомиллаштирилиш зарур. Ҳарбий олий-ўқув юртларда педагогик тадқиқотларининг назарий жиҳатлари баъзи бир Россиялик олимлар томонидан ўрганилган, масалан А.В.Барабанщиков, Ю.К.Бабанский, Ю.К.Журавлёв, В.К.Розов, А.И.Кочетов, Белич В.В., Товпеко С.Н. [1], ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасида эса Икматуллаев Ғ., Ходиев Р., Махмудов Р.М., Тураханова Д., Каримова Б., Шуминлар[2]. томонидан педагогик муаммонинг тажриба-синов ишларининг баъзи жиҳатлари бевосита ва билвосита ўрганилган, лекин Ҳарбий олий ўқув юртларда педагогик тадқиқотларни муаммо сифатида комплекс жиҳатдан ҳеч ким ҳозирги ўрганилган.

Афсуски ҳарбий олий-ўқув юртларида педагогик-тажриба ишларининг ўтказилишини ташкил этиш юқорида номи зикр этилган олимларнинг тажриба-синов ишларида тўла ўрганилмаган.

Ҳарбий олий ўқув юртларидаги ҳар бир педагог профессионал бўлиб шаклланади экан, албатта тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказа олиш қобилиятига, билимига эга бўлиши шарт деган талаб барчага бўлиш керак. Ҳар бир педагог тарқиқотчи шакллантирувчи педагогик тажриба синов ишларини олиб борувчи ва охир оқибатда тажриба синов ишларини умумлаштира оладиган мутахассис бўлиб шаклланиши лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтишимизки тажриба-синов ишларини тўғри ташкил этиб олиб бора оладиган тадқиқотчи, педагог, илмий ишларни тажриба-синовнинг моҳиятини тўғри тушуна олади ва амалиётга тадбиқ этади. Бугунги кунда кўпчилик илмий иши билан шуғулланаётган тадқиқотчилар бир-биридан сўраб ёки ўзлари билганидек тажриба синов ишларини олиб борилмоқ бу жуда ҳам тўғри эмас.

Тажриба-синов ишларини олиб боришда объектнинг моҳиятини тўғри англашлари талаб этилади.

Сноски / Иқтибослар / References:

1. Товпеко С.Н. Повшение роли опытно-экспериментальной работы в военно-педагогических исследованиях. Автореферат диссертации кандидат педагогических наук. 13.00.01. Общая педагогика, история педагогики и образования. М:2019 год . 24 стр.
2. Таджиев А.А. Образовательная функция государства в Республике Узбекистан: Теория и практика. Автореферат диссертации кандидат юридических наук 12.00.01. Т.2012.-27 стр.
3. Рашидов А.С. становление и развитие педагогической компетентности образовательной организации в системе непрерывного образования. Автореферат диссертации кандидат педагогических наук. 13.00.01. Общая педагогика и история педагогики и образования. Санкт-Петербург. 2020 – 41 стр.
4. Алехина, И. А. Военная педагогика: учебник для вузов – М.: Юрайт, 2018. – 414 с.
5. Ананьев, Б. Г. Психология педагогической оценки Избр. психол. Труды: в 2 т. – М., 1980. – Т. 2. – С. 128-268.
6. Ахметова, Г. К. Учебник по педагогике для магистратуры университетов– Алматы: Казак университети, 2006. – 156 с.
